

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 347 (575,1)

АБРАЕВ ФИРУЗ ШАВКАТОВИЧ

**МДҲ ДОИРАСИДА ХАЛҚАРО САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИ**

5А240111 - Халқаро тижорат ҳуқуқи мутахассислиги

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар:

юримдик фанлар номзоди

Ш. Масадиков

Илмий маслаҳатчи:

Юримдик фанлар номзоди

И. Рустамбеков

ТОШКЕНТ 2016

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. МДХ ДОИРАСИДА ХАЛҚАРО САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ .	10
1.1. МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солинишининг ривожланиш босқичлари.....	10
1.2. МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда савдо тамойилларининг ўрни.....	16
II БОБ. МДХ ДОИРАСИДА ХАЛҚАРО САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲАМДА САВДО НИЗОЛАРИНИ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	28
2.1. МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	28
2.2. МДХ доирасида вужудга келадиган савдо ва бошқа низоларни ҳал этиш тартиби	39
III БОБ. МДХ ДОИРАСИДА ХАЛҚАРО САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ХУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ	53
3.1. МДХ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро савдо муносабатларини ривожлантиришда халқаро ташкилотларнинг ўрни	53
3.2. МДХ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро савдо тизимини ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш истиқболлари	66
ХУЛОСА	81
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	85
ИЛОВАЛАР.....	90

КИРИШ

Тадқиқот мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги иштирокчи давлатлар ўзаро интеграция жараёнида савдо битимларининг кундан кунга кўпайиб бориши, унинг ҳуқуқий табиати, моҳияти ва унинг ўзига хос хусусиятларини илмий ва амалий нуқтаи назардан тадқиқ қилиб ўрганиш ва ҳуқуқий тартибга солишни зарурият қилиб қўймоқда. Шу боис, ҳозирги шароитда МДҲ доирасида халқаро савдо фаолиятига оид муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниши энг долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади.

2010 – 2016 йиллар оралиғининг ўзида МДҲ иштирокчи давлатлари ўртасида 114 та икки томонлама ва кўп томонлама савдо келишувлари¹ имзоланган бўлиб, Ўзбекистон 22 тасига қўшилган. Бу келишувлар МДҲ савдо соҳасини ҳуқуқий тартибга солинишида муҳим аҳамият касб этади.

Халқаро савдода иштирок этиш мамлакатлар ўртасидаги товар ва хизматлар айрибошлаш кўламини оширади, бунинг натижасида мамлакатда мавжуд бўлган ресурслардан самарали фойдаланиш даражаси ошади, аҳоли эҳтиёжлари тўлароқ қондирилади, жаҳонда эришилаётган фан ва техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда мамлакатнинг фан-техника имкониятлари ривожланади, маданий алоқалар кенгаяди.

Халқаро савдо – халқаро иқтисодий муносабатларнинг асосий шаклларида биридир. Халқаро савдо орқали дунё мамлакатлари маълум бир товарлар ёки товарлар гуруҳини ишлаб чиқаришга ихтисослашади ва уларни жаҳон бозорига олиб чиқиш орқали ундан муносиб ўринни эгаллашга ҳаракат қилади. Республикамиз Президенти таъкидлаб ўтганидек, “...давлатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион алоқалар, товар алмашиш йўлидаги чегара ва божхона тўсиқларни олиб ташлаш ҳозирги кунда нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини тасаввур қилиш қийин эмас”²

¹ [http://www.cisstat.org/statistics of trade treaty/CIS/420/2016](http://www.cisstat.org/statistics%20of%20trade%20treaty/CIS/420/2016)

² Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси 8 декабрь 2011 й.

Шунингдек, МДХнинг 2015 йилги ташқи савдо айланиши 780,3 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Ўшандан 147,9 млрд АҚШ доллари МДХ давлатлари ўртасидаги савдосидан ва 632,4 млрд АҚШ доллари дунёнинг бошқа давлатлари билан бўлган савдодан ташкил этди. МДХнинг экспорт ҳажми 473,9 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Ўшандан 77,1 млрд АҚШ доллари МДХ давлатлари ўртасида, 396,8 млрд АҚШ доллари дунёнинг бошқа давлатларига бўлди. МДХнинг импорт ҳажми 306,4 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Ўшандан 70,8 млрд АҚШ доллари МДХ давлатлари ўртасида, 235,6 млрд АҚШ доллари дунёнинг бошқа давлатларидан бўлди. Савдо баланснинг сальдоси 167,5 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Ўшандан 6,3 млрд АҚШ доллари МДХ давлатлари ўртасидагидан, 161,2 млрд АҚШ доллари дунёнинг бошқа давлатларидан бўлди¹.

Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Давлатимиз ташқи сиёсатининг маъно – мазмуни ва мақсади битта – у ҳам бўлса, Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир”². Давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири ташқи иқтисодий фаолият ва у асосида ташқи иқтисодий сиёсатнинг бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қиладиган қоидасини ишлаб чиқишдир.

Ўзбекистон Республикаси бугунги кунда халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро муносабатларда иштирок этиб келмоқда. Ўзбекистонда бозор муносабатларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири ташқи иқтисодий фаолиятни янада чуқурлаштиришдан иборат. Жаҳон ҳўжалиги тизимида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган бугунги кунда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, экспорт таркибини диверсификациялаш ва қўшилган қиймат даражаси юқори бўлган маҳсулотлар

¹ Статкомитет СНГ. Внешняя торговля товарами стран Содружества Независимых Государств. Пресс—релиз. 03.03.2016г.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қорнунчилик палатаси ва Сенатининг қўшмамажлисидаги маъруза, 2005 йил 28 январь, 8-бет.

улушини ошириш мамлакат олдида турган энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳар бир давлат учун барқарор иқтисодий таъминлаш энг асосий кўрсаткич ҳисобланади. Барқарор иқтисодий таъминлашда энг асосий восита сифатида эса мустаҳкам ҳуқуқий база шаклланган бўлиши лозим. Иқтисодий таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди. Хориж тажрибаси, дунёнинг ривожланган давлатлари билан савдо алоқаларини олиб бориш, шунингдек МДХ давлатлари билан савдо муносабатларида таклиф этилган бош преференциялар тизими режалари бўйича имтиёзлардан фойдаланиш МДХ давлатлари ичида ривожланаётган давлатлар учун иқтисодий ўсишда муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Зеро, ишлаб чиқариш ва савдо алоқаларининг, айниқса, ташқи савдо алоқалари, чет элга маҳсулотларни турли имтиёзли таърифларда сотиш мамлакат даромадининг ошишига жуда катта хизмат қилади.

Жаҳон бозоридаги конъюктуранинг беқарорлигига қарамасдан, Ўзбекистон 2015 йилда Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсиб, 6359,0 млн. АҚШ долл. ташкил этди. Импорт ҳажми 10,6 фоизга ўсиб, 6275,0 млн. АҚШ долл. ташкил этди. Ташқи савдо айланмаси 10,8 фоизга ўсиб 12634,0 млн. АҚШ долл. ташкил қилди. Ялпи ички маҳсулот эса 171369,0 млрд.сўмни ташкил этди ¹. 2015 йилда барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 15 миллиард 800 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестициялар жалб этилди ва ўзлаштирилди. Бу 2014 йилга нисбатан 9,5 фоиз кўп демакдир. Ялпи ички маҳсулот барқарор 8 фоиз ўсишга эга бўлди Давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 18,5 фоиздан ошмади. Инфляция даражаси 5,6 фоизни ташкил қилди ².

¹ <http://stat.uz/o-zbekiston-respublikasining-makroiqtisodiy-ko-rsatkichlari>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. “Халқ сўзи” 2016 йил 16 январ.

Мамлакатимиз эришаётган бу каби ижобий иқтисодий кўрсаткичлар ўз-ўзидан Ўзбекистон МДХ доирасида халқаро савдо бозорига ҳамда ривожланган давлатлар бозорига кириш имконини кенг очиб берувчи режани чуқур ўрганиб чиқиш муҳим аҳамият касб этади, чунки Ўзбекистон дунёнинг ҳозирги кунда ривожланган давлатлар қаторига кескин қадам қўймоқда десак муболаға бўлмайди.

Тадқиқот объекти – МДХ доирасида халқаро савдо тизимини ҳуқуқий тартибга солишда давлатлар ўртасида вужудга келадиган ҳуқуқий муносабатлар ҳамда конвенция ва икки томонлама шартномалар асосида давлатларнинг ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот предмети – МДХ доирасида халқаро савдо тизимини ҳуқуқий тартибга солишда иштирокчи давлатлар томонидан имзоланган конвенция, иккитомонлама келишув билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар. Бунда тадқиқот предмети МДХ доирасидаги Эркин савдо зонаси тўғрисидаги битим, Евроосиё иқтисодий иттифоқини ташкил этиш тўғрисидаги шартнома ва шу каби бошқа минтақавий ва миллий қонун ҳужжатлари билан чегараланади.

Тадқиқот мақсади – МДХ доирасида халқаро савдо тизимини ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш босқичларини ҳамда савдо тамойилларини таҳлил қилиш, МДХ доирасида халқаро савдо тизимини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига ҳос хусусиятларини таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикасида халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш истокболларини ҳамда савдонинг экспорт – импорт муносабатларида тутган ўрни, минтақавий ва ривожланган давлатлар тизими мисолида миллий норматив ҳуқуқий тартибга солинишини комплекс таҳлил қилиш ва мазкур соҳадаги муаммоларни кўрсатиб бериш, мавжуд миллий қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотни амалга оширишда қўйилган вазифалар. Тадқиқотнинг вазифалари унинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда қуйидагилардан иборат:

1. МДХ доирасида халқаро савдо алоқаларининг шаклланиш ва ривожланиш тенденцияларини ёритиш;

2. МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

3. МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларини ривожлантиришда халқаро ташкилотлар тизимларининг тажрибаларидан фойдаланиш, уларга қўйиладиган талабларни ўрганиб чиқиш ва уларни қиёслаш;

4. МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларининг Ўзбекистон ташқи савдо алоқалари ва экспортига таъсирини таҳлил этиш;

5. Ўрганилган илмий-назарий, норматив ва бошқа материаллар асосида мавзунинг назарий жиҳатдан такомиллаштиришга йўналтирилган таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги шунда акс этадики, бу МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг ўзига хослиги, ҳуқуқий асослари, ижобий ва салбий томонлари, бир-биридан фарқлари халқаро савдо ҳуқуқи нуқтаи назаридан келиб чиқиб ёндашилган дастлабки комплекс тадқиқот иши бўлиб, ушбу мавзуга оид назарий ва амалий масалаларни қамраб олади. Шунингдек, тадқиқот ишида МДХ доирасида халқаро савдо муносабатлари тизмини ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий ва амалий жиҳатлари юзасидан фикр юритилган, муаммолар кўриб чиқилган, уларнинг ҳал қилинишига мувофиқ ҳулосалар ишлаб чиқилган ва тадқиқот мавзусига тааллуқли маълумотлар тўпланиб тизимлаштирилган, таҳлил этилган ва умумлаштирилган.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Ишда МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда кўп томонлама ва икки томонлама савдо шартномаларини таҳлил этиш ва такомиллаштириш каби масалалардан иборат. Шунингдек, МДХ эркин савдо зонаси ташкил этиш тўғрисидаги шартномани таҳлил қилиш ва ягона ҳуқуқий тизимни шакллантиришга оид мулоҳазаларни билдириш ва Ўзбекистон Фуқаролик кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш каби фаразлардан иборат.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш назарий жиҳатдан бугунги

кунга қадар етарли даражада ўрганилмаган. Бунга асосий сабаб эса, МДХ доирасида халқаро савдо муносабатлари XX асрнинг 90-йилларидан янги интеграция сифатида кириб келганлигидир.

Хорижий муаллифлардан эса бу борадаги айрим тадқиқотларни Лудо Суйверс ва Стижн Верерстраетен¹, Степание Свитзер², Бернард Херз ва Марсо Вагнер³, Жосепине Нгуен⁴, Грегори Шэффер ва Йвонне Апеалар⁵ мисолида кўришимиз мумкин. Аммо юқоридаги тадқиқотчилар асарларида МДХ доирасида халқаро савдо алоқаларини ҳуқуқий тартибга солиш тизими алоҳида назарий жиҳатдан ўрганилмаган, ҳуқуқий базаси ҳақида иш олиб борилмаган, аниқроғи мавзуга ҳуқуқий жиҳатдан деярли ёндашилмаган. Деярли барча муаллифлар МДХ доирасида халқаро савдо алоқаларини ҳуқуқий тартибга солиш тизимининг таърифи, унинг ҳуқуқий асосларига чуқур тўхталмасдан, кўпроқ у билан боғлиқ амалий ҳаётдаги муаммолар, иқтисодий хусусий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратганлар. МДХ давлатлари олимларидан В.М. Шумилов⁶, К.А. Бекашев⁷, К.А. Сизова⁸, С.Д. Алифановлар⁹ божхона имтиёзлари ва халқаро савдо ҳақида илмий изланиш олиб боришган.

Тадқиқот мавзуси бўйича, афсуски, Ўзбекистонлик мутахассислар комплекс тарзда илмий изланиш олиб боришмаган. Хусусан, Гулямов С.С.¹⁰, Раҳманкулов Х.Р.¹¹ Камаров А.¹², Абдукаримов Б.¹³, Иватов И.¹, Мухаммедов

¹ Ludo Cuyvers , Stijn Verherstraeten. Generalized Trade Law System and its beneficiaries: a success story. CAS Discussion paper No 47 December 2005. p 65.

² Stephanie Switzer. International Trade Law and the generalized system of preferences: a legal and appropriate linkage, Sweden., 2004. p 44.

³ Bernhard Herz va Marco Wagner., Do the World Trade Organization and the Generalized System Trade foster bilateral trade?, January 2007,/ The Dark Side of the Generalized System of Trade., February 26, 2010

⁴ Josephine Nguyen , The Generalized System of Trade., The George Washington University. 2008. p 74.

⁵ Gregory Shaffer and Yvonne Apea. , Institutional Choice in the International Trade Case: Who Decides the Conditions for Trade? The Law and Politics of Rights. - Journal of World Trade, lead article, vol. 39:5, pp. 977-1008, Dec. 2005. p. 54.

⁶ Шумилов В.М. Международное экономическое право в эпоху глобализации - 2003.С. 88.

⁷ К.А. Бекашев., «Международное публичное право», - Москва 2005.С. 45.

⁸ К.А. Сизова, Таможенные преференции во внешнеторговой политике: автореф. дис. на соиск. учен. степ. канд. экон. наук., Сизова Ксения Александровна – Санкт-Петербург., 2004. С. 27.

⁹ С.Д. Алифанов., Мировая экономика общие системы внешнеторговых преференций в торгово-правовом сотрудничестве СНГ. С. 67.

¹⁰ Гулямов С.С., Халқаро савдо ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент Шарк. 2002. 319-б.

¹¹ Раҳмонкулов Х.Р., олди-сотли шартномаси. Тошкент: 2000. 176-б.

¹² Камаров А., Основы международного торгового права – Ташкент: УМЕТ 2008. С. 86.

¹³ Абдукаримов Б., Ички савдо ҳуқуқи иқтисодиёти. Дарслик,-Т.:«Иқтисод-молия». I-қисм.2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри,2010.-384 б.

М.М.², Йўлдошев Н.Қ.³, Исламходжаев Х.С.⁴, Абдукаримов Ф.Б.⁵, асосан, халқаро савдо ва уларнинг тамойиллари доирасидан четга чиқишмаган.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқотнинг методологик асослари сифатида қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, мантиқий таҳлил, шунингдек иқтисодий-статистик таҳлил каби тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, халқаро савдо ҳуқуқи борасидаги миллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг тадқиқотлари хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида олинган хулосалар, тайёрланган материаллар ва эришилган ютуқлар биринчи навбатда, келгусидаги халқаро савдо ҳуқуқи, қолаверса, “Халқаро хусусий ҳуқуқ”даги назарий тадқиқотларда фойдаланилиши мумкин бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдоси билан боғлиқ ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлашда ҳамда “Халқаро савдо ҳуқуқи” ва “Халқаро хусусий ҳуқуқ” ва бошқа ўқув курслари юзасидан ўқув машғулоти олиб боришда қўлланилиши мумкин. Бундан ташқари, мазкур тадқиқот материаллари МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш тизимлари бўйича миллий ва халқаро нормаларни татбиқ этиш ва мувофиқлаштириш жараёнида ҳамда тегишли ҳужжатларни тайёрлашда ҳам амалий аҳамият касб этади.

Тадқиқот тузилмасининг тавсифи. Ушбу тадқиқот иши кириш, олтита параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Илмий ишни ёзишда 65 дан ортиқ манбалардан фойдаланилди.

¹ Иватов И., Савдо маркетинг фаолияти. Монография. – Т.: ТДИУ, 2004. – 104 б.

² Мухаммедов М.М., и др. Экономика и торговли. Самарканд. 2008. – 284 с.

³ Йўлдошев Н.Қ., Савдо корхонаси иқтисодиёти. Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2005. – 164 б.

⁴ Исламходжаев Х.С. Организационно-правовые аспекты вступления Республики Узбекистан во Всемирную торговую организацию. дис. на соиск. учен. степ. доктор. юр. наук. Ташкент 2008.

⁵ Абдукаримов Ф.Б., Савдода ҳуқуқини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўллари: Юридик фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Самарканд: СамИЭС, 2011. 156 б.

I БОБ. МДХ ДОИРАСИДА ХАЛҚАРО САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИНING НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солинишининг ривожланиш босқичлари

Ўзбекистон Республикаси йигирма биринчи асрда жаҳон ҳамжамияти, халқаро иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида жаҳон хўжалиги иқтисодий жараёнларига қўшилар экан, бунинг учун аввало пухта ўйланган ва ишлаб чиқилган ташқи иқтисодий фаолият юритиш механизми ишламоғи лозим. Бугунги кунда ташқи иқтисодий фаолият юритаётган ҳар қандай халқаро иқтисодий муносабатлар субъекти ташқи иқтисодий фаолиятни такомиллаштирмасдан туриб жаҳон хўжалигида ўз ўрнига эга бўла олмайди ва ўз улушини ололмайди. Шу маънода ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда жаҳон ҳамжамиятларига интеграциялашувининг ўрни ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Шундай экан биз ҳам ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларининг ривожланишини ва Ўзбекистоннинг ундаги ўрнини кўриб чиқар эканмиз бунда Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши энг биринчи қадамлардан бири бўлди.

Президентимиз И.А.Каримов 2015 йил 17 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида “...ташқи фаолият соҳаларидаги мустаҳкам позиция, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилади” деб бежизга таъкидлаб ўтмадилар¹.

XX асрнинг 70-80 йилларида Собиқ Иттифоқда иқтисодиётнинг ривожланиш сураъти тобора пасайиб, сарф-харажатлари ортиб борди. Мавжуд имкониятларни ҳисобга олмасдан ишлаб чиқилган ижтимоий, аграр,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2014 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи” 2016 й. 17 январь.

энергетика, экология ва бошқа соҳалардаги дастурлар самара бермади, иқтисодий зиддиятларни чуқурлаштириб юборди.

Жаҳоннинг тараққий топган мамлакатларида XX аср иккинчи ярмида содир бўлган илмий-техника инқилобидан самарали фойдаланилди. Машина-фабрика ишлаб чиқаришидан автоматлаштирилган комплекс ишлаб чиқаришга ўтиб борилди. Ишлаб чиқаришга ҳисоб-китоблар, ечимлар, назорат ва бошқариш вазифаларини бажарадиган электрон-ҳисоблаш аппаратлари, ахборот техникаси, роботлар кириб келди ва кенг қўлланила бошланди. Одамлар бажариб келган оддий техник, механик, оғир жисмоний ишларни техника воситалари бажарадиган бўлди¹. Фан ишлаб чиқариш кучига айланди. Натижада илғор мамлакатларда ишлаб чиқариш интенсив тараққиёт йўлига кирди. Моддий ишлаб чиқаришда ишловчилар сони қисқариб, хизмат кўрсатиш соҳасида, тиббиёт, таълим, илмий фаолиятда банд бўлганлар сони ошиб борди. Ахборот техникаси тиббиёт, фан, таълим ва бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида кенг қўлланила борди. Инсон техник, механик ва оғир жисмоний ишларни бажаришдан озод бўлиб, ўзини мазмунли, ижодий ишларга бағишлади. Пировардида турмуш савияси тобора яхшиланиб борди.

Аммо, МДҲ ташкилотига аъзо давлатларнинг кўпчилигида ташқи савдонинг эркинлиги таъминланмаган. Протекционизм сиёсати олиб борилмоқда эди. Яъни божхона таърифлари баланд қилиб қўйилган. Мисол учун Тожикистон, Туркманистон Республикаларида озиқ овқат ва но озиқ овқатлар учун 33 фоиз экспорт - импорт божхона божи белгиланган². Бундай протекционизм сиёсати кризисга қарши ўйланган бўлсада, аммо давлатнинг иқтисодий ривожланишига катта тўсқинлик қиларди. Чунки ташқи моддий бойликлар воситасида ички бойлик тўлдирилмаса ўз ўзидан кўпайиш жуда суст бўлади. Буни мисол учун XIV-XVII асрларда Японияда токугава сёгунлари ҳукм сурган даврини кўришимиз мумкин. Давлат бутунлай ташқи дунёдан ажралган эди. Гарчи Португалия ва Голландия билан икки томонлама алоқада

¹ Исламходжаев Х.С. Организационно-правовые аспекты вступления Республики Узбекистан во Всемирную торговую организацию. дис. на соиск. учен. степ. доктор. юр. наук.Ташкент.2008. С 36.

² [www.WTO.org/Statistics of CIS countries/ en/](http://www.WTO.org/Statistics_of_CIS_countries/en/)

бўлган бўлса ҳам ташқи алоқалардан чекланган эди. Бу пайтда аллақачон Ғарбда саноат тўнтариши бўлиб, янги иқтисодий ривожланиш босқичига ўтган эди.

1853 йили АҚШ ҳукумати томонидан Мэтью Перри бошчилигида Япониянинг бир нечта портларини очишга таъсир кўрсатди¹. Шундан кейин Япония ҳукумати кучли давлат бўлиш учун ташқи алоқалардаги тўсиқларни олиб ташлаш кераклигини англаб етди. Бирин кетин Япония тўсиқларни олиб ташлай бошлади. 1868 йилги Мейдзи тўнтаришидан кейин барча тўсиқлар олиб ташланди. Ҳамда хусусий секторларнинг ривожланиши натижасида давлат иқтисодий жиҳатдан шиддат билан ривожланиб борди.

Хулоса қилиб айтиш керакки давлатнинг иқтисодий ривожланишида протекционизм сиёсати жиддий тўсқинлик қилади. Шунинг учун ҳам МДХ ташкилотига аъзо давлатлар ҳам протекционизм сиёсатидан воз кечса мақсадга мувофиқ булар эди.

МДХ доирасида савдо муносабатларнинг ривожланиши XX асрнинг 90-йилларига келиб, социалистик дунёнинг етакчиси бўлган улкан империя - Собиқ Иттифоқ пароканда бўлгандан кейин бошланди. Дунёда янги мустақил давлатлар вужудга келди. Биргина Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши натижасида 15 та мустақил давлат, жумладан мустақил Ўзбекистон давлати бунёд этилди.

1991 йил 8 декабрда Минскда уч славян Республикаси - Россия, Украина, Беларус раҳбарларининг учрашуви бўлди. Ўша куни Беловежское Пушчеда уч давлат бошлиқлари Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ)ни тузиш тўғрисида Шартнома имзоладилар. Шартномада **ягона иқтисодий макон, ягона валюта ва молия-банк системаси бўлади, фан, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик қилинади, ташқи сиёсат, армия соҳасидаги сиёсат келишилган ҳолда юритилади**, деб белгиланган эди. Ҳужжатда Собиқ

¹ Дастамов К.Х. Халқаро хусусий ҳуқуқда чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш масалалари. Монография Т.: 2013. 20 б.

Иттифоқнинг мавжудлиги ва Собиқ Иттифоқ Конституцияси тўхтатилади, деб эълон қилинди¹.

Украина, Белоруссия, Россия парламентлари МДХни тузиш ҳақидаги шартномани ратификация қилдилар ва 1922 йил 30 декабрдаги Совет Иттифоқини тузиш тўғрисидаги шартномани бекор этдилар.

Қозғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон Президентлари МДХга уни таъсис этувчилар ролида киришга тайёр эканлигини билдирдилар.

1991 йил 21 декабрда Россия, Украина, Белорусия, Қозғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Озарбайжон, Арманистон, Молдавия давлат бошлиқларининг кенгаши бўлди. Ўша куни 11 давлат бошлиқлари Беловежское Пушче шартномаси юзасидан протоколни имзолаб, "Тенг ҳуқуқли ва ахдлашаётган олий томонлар" мақомида МДХ муассиси бўлдилар. **Кенгашда Алмати Декларацияси** қабул қилинди. Декларацияда қуйидагилар ҳақида баёнот берилди:²

- ҳамдўстлик қатнашчиларининг ўзаро алоқалари улар ўртасидаги тенглик асосида тузиладиган битимлар ҳамда битимларда белгиланган тартиблар доирасида фаолият юритадиган мувофиқлаштирувчи муассасалар орқали амалга оширилади;

- МДХ давлат ҳам эмас, давлатлар устидаги тузилма ҳам эмас;

- халқаро стратегик барқарорликни ва ҳавфсизликни таъминлаш мақсадида ҳарбийстратегик кучларнинг бирлашган қўмондонлиги ва ядро қуроли устидан ягона назорат сақлаб қолинади;

- МДХ очикдир, унинг барча аъзолари розилиги билан Собиқ Иттифоқнинг аъзолари ва бошқа давлатлар ҳам унга қўшилиши мумкин;

- умумий иқтисодий маконни, умумий бозорни вужудга келтиришда ва ривожлантиришда ҳамкорлик қилишга содиқлик тасдиқланади;

- МДХнинг тузилиши билан Собиқ Иттифоқнинг мавжудлиги тўхтатилади;

¹ Богомолов О. Мировая экономика и международное право // М.: – 2003. – С. 56.

² Ҳамроев Н. Торговое право стран Содружества в условиях глобализации. Журнал Право. М.: 2012. – С. 22.

- Ҳамдўстлик қатнашчилари ўз Конституцияларидаги тартиб, қоидаларга биноан Собиқ Иттифоқнинг шартномалари ва битимларидан келиб чиқадиган халқаро мажбуриятларини бажарилишига кафолат берадилар;

- МДХ қатнашчилари мазкур Декларация қоидаларига оғишмай риоя этиш мажбуриятини оладилар.

МДХ кенгашларини тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳини тузиш тўғрисида протокол имзоланди. Шу тариқа, **Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил топди** ва ҳар бир давлат ўзаро савдо алоқаларни ривожлантириш учун мақсад ҳамда вазифаларини белгилаб олдилар.

МДХ доирасида савдо муносабатларининг ривожланишидаги яна бир муҳим воқеа 1993 йилнинг 24 сентябрда Иқтисодий иттифоқ тузиш тўғрисидаги шартнома бўлди¹. Унга асосан МДХ доирасида кўптомонлама Эркин савдо зонаси ташкил этиш ғояси ётган эди. Эркин савдо зонасини ташкил этиш ягона иқтисодий макон яратишдаги биринчи босқич сифатида қаралган эди. Эркин савдо зонаси кўптомонлама савдо тўсиқларини олиб ташлаш, товар айланишини ривожлантириш ва МДХ давлатларининг иқтисодий ривожланишига хизмат қилади деган мақсадда тузилди.

2010 - 2015 йилларда МДХ давлат бошлиқларининг 25 га яқин кенгаши бўлиб, уларда ҳаммаси бўлиб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ташкилий ва умумий соҳаларга оид 1300 га яқин масалалар муҳокама этилиб, тегишли ҳужжатлар имзоланди. МДХ доирасида иқтисодий муносабатларни тартибга солишдаги муҳим воқеалардан бири бу 2011 йилнинг 27 август куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг ягона ҳуқуқий актлар ва бошқа ҳужжатлар реестри ташкил этиш тўғрисидаги қарор муҳим аҳамият касб этди².

Ҳамдўстлик мамлакатларининг иқтисодий ва маданий алоқалари катта машаққатлар ва секинлик билан мустаҳкамланиб борди. Қабул қилинган ҳужжатларнинг аксарияти қоғозда қолиб кетди. Бунга сабаб томонларнинг муаммоларни ечишни истамаётганида эмас, аксинча, ўзаро ҳамкорлик тенг

¹ [http://cisstat.org/ Press reliz/423](http://cisstat.org/Press%20reliz/423)

² Джумонов Д.С., Мамадиёров О.У. Халқаро савдо ҳуқуқи (маърузалар матни) Т.: ЎЗМУ, 2013. 48 Б.

хуқуқли асосда, ҳар бир мамлакатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда юритилишига интилаётганлиги билан боғлиқ эди. Ўтган йиллар давомида еришилган аҳдлашувларни амалга оширишнинг самарали механизми яратилмади, ўзаро ҳисоб-китоблар мувофиқлаштирилмади.

2011 йил 21 июнда Москвада бўлиб ўтган МДХ давлат бошлиқларининг саммитида МДХ доирасида эркин савдо зонаси барпо этиш борасидаги ишларни, интеграция жараёнларини фаоллаштиришга қаратилган 2020 йилгача бўлган муддатда Ҳамдўстликни ривожлантириш дастури муҳокама қилинди ва тегишли ҳужжат имзоланди¹².

2011 йилнинг 18 октябр куни Арманистон, Беларусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдовия, Россия Федерацияси, Тожикистон ва Ўзбекистон ҳукумат бошлиқлари иштирокида янги “Эркин савдо зонаси тўғрисида”ги Шартнома имзоланди. Ушбу шартнома Жаҳон Савдо Ташкилотининг қоида ва тамойиллари асосида ташкил этилди ҳамда эскидан қолган ўзаро икки томонлама ва кўп томонлама шартнома ва келишувларнинг ўрнини босди.

Шунингдек томонлар нотариф чеклашларни олиб ташлаш, экспорт божларини босқичма-босқич олиб ташлашга келишилдилар ҳамда низоларни арбитраж комиссиясида кўриб чиқилиши Шартномада белгилаб қўйилди.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсак, Халқаро савдо – бу турли давлат миллий хўжаликлари ўртасидаги товар ва хизматларнинг айирбошлаш жараёнидир. Халқаро савдо қадимдан мавжуд бўлсада, фақат XIX асрга келиб, яъни деярли барча ривожланган мамлакатлар халқаро савдо алоқаларида иштирок эта бошлаши билан жаҳон бозори шаклига кирди. МДХнинг 24 йиллик тарихи гувоҳлик берадики, Ҳамдўстликнинг ташкил этилиши ҳам иқтисодий ҳам ижтимоий томондан фойдали бўлди. Ҳамдўстлик 24 йил олдин қандай муҳим ташкилот бўлган бўлса, бугунги кунда унданда кўпроқ кераклидир. Тарих шуни кўрсатадики давлатларда протекционизм сиёсати давлатнинг иқтисодий ўсишига жиддий тўсқинлик қилади.

¹ 2011 йил 18 октябрда МДХга аъзо давлатлар йиғилишида “Эркин савдо зонаси тўғрисида”ги Шартнома имзоланди. Санкт-Петербург. Право. 18.10.2011

² http://ru.wikipedia.org/wiki/Зона_свободной_торговли_СНГ

1.2. МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда савдо тамойилларининг ўрни

Халқаро ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ташқи савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида юзага келадиган муносабатлар халқаро ҳамкорлик учун жуда кенг ва муҳим майдонни ташкил қилади. Халқаро савдо ҳуқуқининг асосий фундаментини халқаро савдо ҳуқуқининг тамойиллари ташкил этади. Улар икки вазифани бир вақтнинг ўзида амалга оширади. Авваламбор, ўзига хос меъёрий чеклаш орқали халқаро муносабатларни барқарорлаштириш ва амалиётда янги пайдо бўлган муносабатларни янада ривожлантириш учун ҳисса қўшади.

Халқаро ҳуқуқининг асосий тамойиллари БМТ Низомида мустаҳкамлаб қўйилган ва «*jus cogens*» яъни бажариш мажбурийдир ҳамда у бирон бир давлат томонидан ёки ўзаро шартнома асосида ўзгартириб бўлмайди¹.

Халқаро иқтисодий муносабатларда тартибга солишда, хусусан, ташқи савдо учун ҳам, биринчи навбатда тенг ҳуқуқлилик, томонларнинг ички ишларига аралашмаслик, ҳамкорлик, камситмаслик, ўзаролик, ўзаро манфаатдорлик, халқаро мажбуриятларини виждонан амалга ошириш, таҳдид ва куч билан фойдаланмаслик каби тамойиллар устуворлик қилади.

Халқаро иқтисодий муносабатларда бир вақтнинг ўзида умумий тамойиллар билан бирага махсус ва соҳалараро тамойиллар ҳам мавжуд бўлиб улар ҳам савдо ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда алоҳида ўрин касб этади. Бу тамойиллар ичида энг кўп қўлланадиган тамойиллар қуйидагилардир:

- камситмаслик тамойили;
- энг кўп қулайлик яратиш тамойили;
- ўзаро манфаатдорлик тамойили;
- халқаро эркин транзит тамойили;
- томонларнинг эрк мухторияти;

¹ Маткаримова М, Раҳманов Ш., Камаров А. Халқаро савдо ҳуқуқи. Ўқув қўлланма. –Т.: ЖИДУ, 2009. – 65 б.

- халқаро савдо қонунчилигининг очиклиги ва устиворлиги каби махсус савдо тамойиллари ҳисобланади.

Биринчи ва энг асосий қоида камситмаслик тамойили бўлиб, “энг кўп қулайлик бериш” шаклини олиб, бу ташқи савдо иштирокчилари ҳаммасининг тенглигини таъминлаш ва уларни камситмаслик тўғрисидаги тезисдир. “Энг кўп қулайлик бериш” тамойили иштирокчи давлатларнинг ўзаро етказиб берилаётган товарларга нисбатан ҳар қандай учинчи томон товарларга нисбатан қўлланилаётган бож ставкаларидан юқори бўлмаган бож ставкаларини қўллаш мажбуриятини билдиради. Лекин бу тезис махсус иқтисодий гуруҳлар ташкил этадиган ҳолларда ундан чекинишга рухсат беради. Шунингдек ривожланаётган давлатларнинг преференция бож режимларидан бир тарафлама фойдаланиши ҳуқуқи ҳам алоҳида қайд этилган.

Энг кўп қулайлик яратиш тамойили асосида ҳар бир Аҳдлашувчи томон учинчи давлатга берилган имтиёздан кам бўлмаган қулайлик ҳамда имтиёзлар бериш назарда тутилади. ҳар бир Аҳдлашувчи Давлат ўзаролик асосида бошқа Аҳдлашувчи Давлатга келишилган ҳар қандай учинчи давлатга берилган афзалликларни келишилган маълум муносабатлар доирасида бериши мумкин¹.

Ушбу тамойил табиатан ва ҳуқуқий нуқтаи назаридан халқаро савдо ва халқаро иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ муносабатларни тенг амалга ошириш учун энг самарали йўлдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳам энг қулай режимдаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланган мамлакатлар рўйхати 45 дан ортиқ давлатга берилган. Агарга Жаҳон Савдо Ташкилотининг иштирокчи мамлакатларини бирига бериладиган ҳар бир божхона имтиёзлари автоматик тарзда ГАТТни барча мамлакатлари учун имтиёз олинади.

¹ Назарова Г.Г., Назарова Р.Р., Юсупов А.С., Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт. - Т., ТДИУ, 2005. – 114 б.

Миллий режим ўз навбатида, давлат ўзининг юридик ва жисмоний шахсларига берилган афзалликлар каби чет эл юридик ва жисмоний шахсларига ўхшаш товар ва хизматларга имтиёзлар берилишини англатади.

Камситмаслик тамойили “миллий режим” тушунчасининг асосида ҳам ётади. Унга кўра аъзо давлат ўзининг ва бошқа аъзо давлат товар ва хизматлари ўртасида дискриминация режимини ўрнатмаслиги керак. Товар ва хизматлар бошқа давлатнинг чегарасини кесиб ўтганидан бошлаб уларга маҳаллий ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга бўлган муносабатда бўлиниши талаб этилади. Бу энг аввало солиққа тортиш, товарнинг сифати ва гувоҳнома олиш каби талабларга нисбатан тааллуқли.

Замонавий халқаро иқтисодий ҳуқуқ ва савдо ҳуқуқи бўйича энг кўп қулайлик яратиш ва миллий режим тамойили адолатли савдо ва сиёсий режимни таъминлаш учун муҳим ҳисобланади.

Бу тамойил худди энг кўп қулайлик яратиш каби универсал тамойил эмас, фақат кўп томонлама ва икки томонлама халқаро битимлар доирасида муомалага киритилади.

ЖСТнинг ГАТТ доирасида (3 моддасига асосан) миллий режим асосида ички бозорга товар импорт қилинаётганда миллий ва чет эл рақобатчилари учун тенг ҳуқуқлилиқ бўлиши учун ички солиқлар, маҳсулотларни сотиб олиш, сотиш, етказиб бериш, тарқатиш ва истеъмол қилиш қоидаларига нисбатан, шунингдек, уларни қайта ишлаш доирасида энг кўп қулайлик яратиш режимига қўшимча равишда қўлланилади¹.

Ҳ.Р.Раҳмонқулов таъкидлаганидек, ҳар қандай шартнома мазмунининг тўлиқлиги кўп жиҳатдан унинг шартлари қай даражада бажаришга боғлиқ ҳисобланади².

Бундан ташқари миллий режим ва энг қулай режимни чекланган доирада Аҳдлашувчи давлатлар ўзаро бериши мумкин. Мисол учун, “Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида дўстлик, стратегик шериклик ва

¹ Исламходжаев Х.С. Организационно-правовые аспекты вступления Республики Узбекистан во Всемирную торговую организацию. дис. на соиск. учен. степ. доктор. юр. наук.Ташкент.2008. С 26.

² Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи (умумий қоидалар): Дарслик. Т.: 2005. 237 Б.

хамкорлик тўғрисида”ги битимининг¹ илова қисмида иккала томон ҳам миллий режим ва энг кўп қулайлик туғдирувчи режимнинг тадбиқ этилмайдиган соҳаларни аниқлаб қўйишган. Агар Япония томони балиқчилик, банк, телекоммулоқот, энергетика соҳаларини ўзбек сармоясининг эркин кириб келишидан ҳимоялаган бўлса, ўз навбатида Ўзбекистон томони ҳам нефт ва газ, турзим, ахборот воситалари, банк соҳаси ва ерга эгалик қилиш ҳуқуқлари масалаларида суверен ҳуқуқни сақлаб қолган. Юқоридаги таҳлилимиздан келиб чиқиб, иккала томон ҳам инвестициялар кириши мумкин бўлмаган саноат соҳаларини аниқлаб қўйишганлигини ва қолган барча соҳаларни инвестициялар учун очиб қўйганларини тушунамиз.

Кейинги тамойил бу эркин транзит яъни эркин етказиб бериш тамойилидир. Бу тамойилга асосан Аҳдлашувчи давлатлар ҳудудида юк, йўловчилар ва судаларни эркин ҳаракатланиши ҳамда етказиб беришини назарда тутди².

Шу билан бир вақтда, шунга ўхшаш товарлар ва етказиб бериш усуллари ўзгариб, бир товарлардан ташқари, сақлаш билан болиқ бўлиши мумкин. Транзит эркинлиги тамойилини ҳуқуқий мазмуни қуйидаги асосий тезисларда ифодаланиши мумкин:

— транзит эркинлиги халқаро транзит учун энг қулай йўллар бўйича берилиши керак;

— судаларнинг келиб чиқиши, кетиши, кириши, чиқиши ёки борар жойи, ёки товарлар, ёки бошқа транспорт воситалари мулкчилик билан болиқ ҳар қандай ҳолатларда етказиб бериш эркинлиги фарқ қилмаслиги керак;

— транзитда ҳар қандай кераксиз кечикишлар ёки чеклашларга йўл қўйилмайди, товарларни ташиш, ёки транзит оқибатида маъмурий харажатлар билан мутаносиб бўлганлардан ташқари, божхона тўловларидан ва барча

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 февралдаги 112-сон қарори таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 4-сон.

² Сайдахмедов, А. Социальное партнерство в Республике Узбекистан, Российской Федерации, Республике Казахстан : сравнительно-правовой анализ : диссертация на соис. кандидата юридических наук Москва, 2011. — С. 38.

транзит ва транзит нисбатан қўлланилиши бошқа айбловлар озод етилиши керак ёки такдим етилган хизматлар қиймати билан бўлиши керак;

— энг кулай режим транзит билан боғлиқ барча қоидаларга ва расмийчиликка учун мавжуд бўлиши керак;

— кимнинг ҳудудида транзит ўтаётган бўлса, ўша давлат ўзининг божхона орқали ўтишини талаб қилишга ҳақли. транзит эркинлиги тамойилининг аҳамияти эркинлик мутлақ ёки нисбий бўлишидан қатъий назар мамлакат - ахдлашувчи томонлар бозорига товарларнинг эркин кириб бориши назарда тутилади¹.

Шу билан бир вақтда ҳар қандай ҳолатда ҳам бу тенглик (ташиш учун тарифларга ва ҳоказога) товар қийматига ва бошқа иқтисодий воситалардан фойдаланишга тўсқинлик қилмаслиги керак.

Ташқи савдода қонун ошкоралиги тамойили туфайли давлатлараро ва ҳукуматлараро битимларда келажакда юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларни яъни чет эл савдо қонунчилиги ёки солиқлар учун ўзгаришлар, шу жумладан, тўловлар ўтказиш бўйича талаблар, ёки сотиш, тарқатиш, етказиб бериш, суғурта қилиш, сақлаш, назорат қилиш, кўриб чиқиш учун қўйиш, қайта ишлаш, ёки бошқа мақсадларда, ёки импорт ва экспортдаги чекловлар ёки тақиқлар учун умумий ахборотни олган ҳолда имкониятларни режалаштириш имконини беради².

Ошкоралик тамойили анъанавий ҳолда махфий маълумотларни ошкор қилмасликни яъни халқ манфаатига зид хорижий қонун актини қўлланиши миллий корхоналар манфаатларига зиён етказиши мумкин бўлса, чеклаш имкониятидан фойдаланиши мумкин. Акс ҳолда ўша махфий ахборот бутун давлатга келажакда хавф солиши мумкин.

Яна бир тамойил ташқи савдони тартибга солиш усуллари қўлланилишининг ҳуқуқий асосланганлиги тамойилидир. Ташқи савдони

¹ Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б.. Современный юридический словарь. М.: ИНФРА-М., 2009.С. 479.

² Peter, Fishcer, Recent Trends and Development in the Law of Foreign Investment Protection, in FS Seidl-Hohenveldern, Berlin, 2008. С. 234.

тартибга солишнинг бошқа усул ва шакллари қўлланилмаслиги талаб этилиб, улар қўлланилган ҳолда ҳам амал қилиш даври қисқа бўлиб, фақат истисно ҳолатларида жорий қилиниши мумкиндир. ГАТТ аъзо давлатларга квоталардан фойдаланиш ҳамда экспорт ёки импорт лицензияларини қўллашни тавсия этмайди. Бироқ ГАТТда микдорий чеклашларни жорий этиш ўринли ҳисоблаб уларни асослайдиган эҳтимолий истисно ҳолатлари рўйхати келтирилган. Шулар қаторига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни тартибга солиш дастурларини амалга ошириш ёки тўлов баланси мувозанати бузилиши ҳолатлари киради.

Шунингдек, ГАТТнинг муҳим тамойили бўлмиш ва жуда самарали тамойил бу қарорларни қабул қилиш ва чора тадбирларни амалга ошириш қоидаларига алоқадордир, бу энг аввало бир тарафлама ҳаракатлардан ўзаро музокаралар ва маслаҳатлар фойдасига воз кечишдир¹. Иштирокчи давлатлар ташқи савдони чеклашга қаратилган бир тарафлама тадбирларни амалга оширмаслик мажбуриятини оладилар: барча қарор фақатгина савдо масалаларига бағишланган ўзаро музокаралар доирасида қабул қилинади.

Ҳозирги техника ва алоқа хизматлари ривожланган пайтда "Битимнинг у тузиладиган жой ҳуқуқига бўйсунishi" тамойилининг қўлланилиши бир қанча муаммоларни келтириб чиқармоқда, яъни халқаро савдо соҳасида тузилаётган битимларнинг кўп қисми телетайп, телеграф, факс орқали тузилмоқда. Шунинг учун бундай ҳолларда шартнома бўйича охириги ҳаракат қаерда содир этилган бўлса, ўша жой шартнома тузилган манзил деб ҳисобланади ва бу шартномани ҳақиқий деб топиш учун асос бўла олади. Шартномага нисбатан охириги ҳаракат қаерда содир этилганлик масаласи кўп давлатларда турличадир. Масалан: Буюк Британия, АҚШ, Япония қонунчилигига асосан, акцепт қаердан ва қачон юборилган бўлса ўша пайтдан бошлаб битим тузилган ҳисобланади, лекин бошқа давлатларнинг қонунчилигига асосан эса офферент томонидан акцептни қабул қилинган жойи ва вақтидан бошлаб битим тузилган ҳисобланади².

¹ Гулямов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент Шарқ. 2002. 59-б.

² Тюрина Н.Е. Публичные правоотношения в международной торговле. Российский юридический журнал. - 2011. - №5. С. 63.

Сўнги йилларда бир катор давлатларда битимга нисбатан ҳуқуқни белгилашда янгича тамойиллар қўлланилмоқда, хусусан сотувчининг қонуни, яъни сотувчи ишлаб чиқариш фаолиятини юритаётган жой ҳуқуқининг қўлланилиши шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 105-моддасига асосан "битимлар оғзаки ва ёзма шаклда тузилади". Битимнинг шакли у тузилаётган жой ҳуқуқига бўйсунди. Бироқ чет элда тузилган битим, агар Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқи талабларига риоя этилган бўлса, шаклга риоя этилмаганлиги туфайли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.

Кўчмас мулк хусусидаги битимнинг шакли бу мулк жойлашган мамлакат ҳуқуқига бўйсунди, Ўзбекистон Республикасида давлат реестрида қайд этилган кўчмас мулкка нисбатан эса, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига бўйсунди (ФКнинг 1181-моддаси). Худди шунингдек хатлар, телеграммалар, телефонограммалар, телетайпограммалар, факслар ёки субъектларни ва улар хоҳиш-иродаси мазмунини белгилайдиган бошқа ҳужжатларни ўзаро айирбошлаши, агар қонунда ёки тарафларнинг келишувида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, ёзма шаклда тузилган битимга тенглаштирилади (ФКнинг 107-моддаси).

Томонларнинг эрк мухторияти бу халқаро хусусий ҳуқуқнинг асосий қоидаларидан бири ҳисобланиб, бу тамойил халқаро тижорат ҳуқуқида тарафлар келишуви асосида улар ўртасидаги савдо муносабатларни тартибга солиш учун ўзларига маъқул ҳуқуқ тизимини, ҳамда тарафлар ўртасида низо чиққан ҳолда, ушбу низони ҳал қилишга ваколатли орган ёки қайси давлат юрисдикциясига бўйсинишни эркин танлаш ҳуқуқи тушинилади¹.

Тарафлар эрк-мухториятининг табиати бўйича ҳуқуқшунос олимлар кўплаб муҳокамаларни амалга оширган бўлиб қуйида энг кенг тарқалган фикрлар келтирилган.

¹ Гулямов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент Шарқ. 2002. 39-б.

Д.Ф.Рамзайцевнинг фикрига кўра, тарафларнинг эрк мухторияти бу халқаро савдо шартномаларида ўз аксини топган. Ушбу тамойилнинг манбаси халқаро одат деб таъкидлайди¹.

М.М.Богуславский ушбу тамойилни фуқаролик ҳуқуқининг диспозитивлик (шартнома тузиш эркинлиги) тамойилидан келиб чиқишини айтади². В.Л.Толстых юқоридаги фикрларга ўз муносабатини билдириб, томонларнинг қўлланиладиган ҳуқуқини танлаши шартнома билан тартибга солинмайдиган муносабатларда ҳам қўлланилишини (шартноманинг ҳақиқий эмаслиги) таъкидлайди. Бундан ташқари, ушбу тамойилда учинчи томоннинг жалб қилинишига ҳам олиб келади³.

А.Л.Маковский тарафлар эрк-мухториятини алоҳида институт сифатида қарайди ва тижорат ҳуқуқини тартибга солишда бошқа методлардан фарқларини кўриб чиқади. У коллизия методлар аниқ ўрнатилган мос муносабатларни тартибга солади ва шу орқали ҳуқуқ коллизияси ечишга олиб келса, тарафлар томонидан бирор бир ҳуқуқни таналаши бундай коллизияларни олдини олишини айтади. Бу билан А.Л.Маковский А.Батиффолнинг қуйидаги фикрини тасдиқлайди: “Тарафларнинг эрк-мухторияти қонун чиқарувчи томонидан коллизия нормаларнинг мукаммал эмаслигини тузатиш ва узвий боғлиқлик тамойилларини аниқлаш мақсадида хусусий шахсларга берилган асбобдир”⁴.

Тарафларнинг эрк-мухторияти нафақат миллий қонунчиликда, балки бир қанча халқаро ҳужжатларда тамойил сифатида тан олинган ва мустаҳкамланган. Мисол учун, УНИДРОИТ халқаро тижорат шартномалари тамойилларининг 1-моддаси ҳам тарафларнинг эрк-мухторияти тамойилига узвий боғлиқ бўлган Шартнома тузишда эркинликдир⁵.

¹ Рамзайцев, Д. Ф. Договор купли-продажи во внешней торговле. — М.: Внешторгиздат, 2011. — С. 53—55.

² Богуславский М.М. Международное частное право. М., 2009. — С. 86.

³ Толстых, В. Л. Международное частное право: коллизияльное регулирование / В. Л. Толстых. — СПб.: “Юридический центр Пресс”, 2004. — С. 119

⁴ L.Makovsky, A.Battifol Droit international privé: 2e ed. / T. Vignal. — Paris: Edition Dalloz, 2011. — 257 p.

⁵ UNIDROID Principles of International commercial contracts 2010. Article 1.

Фикримизча, тарафларнинг эрк-мухторияти ҳозирги кунда кўплаб халқаро савдо шартномаларида ҳамда кўплаб давлатларнинг миллий қонунчилигида ўз аксини топган.

Ушбу тамойил “Халқаро товарлар олди-сотдисида қўлланиладиган ҳуқуқ бўйича” Гаага конвенцияси (1955й), “Агентлик шартномаларида қўлланиладиган ҳуқуқ бўйича” Гаага конвенцияси (1978), Бустаманте кодекси (1928й), “Халқаро шартномаларда қўлланиладиган ҳуқуқ бўйича” Америкалараро конвенция (1994й) ва бошқалар мисол бўла олади.

Бу тамойил МДХ давлатлари ўртасидаги шартномаларда ҳам ўз аксини топган. 1993-йилдаги Минск конвенциясининг 41-моддаси, 2002 йилда қабул қилинган Кишиневск конвенциясининг 44-моддаси, 1992 йилдаги Киев битимининг 11-моддаси ва бошқа ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама шартномалар бунга мисол бўла олади. Бундан ташқари бу тамойил МДХ давлатлари намунавий Фуқаролик кодексининг 1194-моддасида ҳам белгиланган.

Шунингдек, тарафларнинг эрк-мухторияти тамойили давлатларнинг миллий қонунчилигида ҳам ўз аксини топган. Мисол учун, Хитой Халқ Республикасининг 2010 йилда қабул қилинган “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида “Ушбу қонуннинг қоидаларига мос равишда тарафлар ўзларининг трансчегаравий хусусий муносабатларига қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш имкониятига эга”лиги кўрсатилган. Бундан ташқари Австрия, Франция, Венгрия, Вьетнам, Польша, Туркия, Швейцария, Эстония, МДХ давлатлари ва бошқа бир қанча давлатлар тарафларнинг эрк-мухторияти тамойилини ўз қонунларида белгилаб қўйган¹.

Тарафларнинг эрк-мухториятининг амалиётда кенг тарқалишига асосий сабаблардан бири бу шартнома билан муносабатларни тўлиқ қамраб олишнинг имконияти йўқлигидир. Яъни тарафлар шартномада барча вазиятларни кўзда тутувчи қоидаларни киритиши имконсиз. Шунинг учун ҳам тарафлар бирор бир

¹ Раҳмонқулов Ҳ.Р., Эргашев В.Ё., ва бошқ. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари: Монография. Тошкент, 2104. 43 Б./

ҳуқуқ тизимини танлашади ва очиқ қолган муносабатларни ўша ҳуқуқ тизими орқали тартибга солинишини назарда тутишади¹.

Ҳар қандай эркинлик анархияга олиб келмаслиги учун маълум чекловлар ўрнатилади. Яъни тарафларнинг эрк-мухторияти ҳам ўз чегарасига эга ва бу чегаралар ҳар бир давлатнинг ички қонунчилиги ёки халқаро шартномалар билан белгилаб қўйилади. Тарафларнинг эркинлиги қуйидаги 3 сабаб асосида чекланади:² кучсиз тараф ҳуқуқини ҳимоя қилиш, кредитор ва бошқа учинчи шахслар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва давлат манфаатларига зарар етказмаслик.

Савдо шартномасида, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишувига кўра танланган мамлакат ҳуқуқи билан тартибга солинади. Шартнома тарафлари қўлланиладиган ҳуқуқни умуман шартнома учун ҳам, унинг алоҳида қисмлари учун ҳам танлаб олишлари мумкин.

Савдо шартномаси тузилаётганда қўлланиладиган ҳуқуқни тарафлар томонидан исталган вақтда танланиши мумкин. Тарафлар, шунингдек исталган вақтда шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни ўзгартириш тўғрисида келишиб олишлари мумкин.

Бундан ташқари, ҳар бир давлат ўзининг императив нормасини белгилаб қўйиши мумкин. Мисол учун, ижро этиш усуллари ва тартибига, шунингдек тегишли даражада ижро этилмаган тақдирда кўрилиши лозим бўлган чоралар борасида қўлланилаётган ҳуқуқдан ташқари ижро амалга оширилаётган мамлакатнинг ҳуқуқи ҳам эътиборга олинishi мумкин.

Тарафларнинг эрк-мухторияти тамойили нафақат қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш имкониятини, балки савдо низоларни ҳал қилиш йўлларини танлаш ҳуқуқини ҳам беради³.

Савдо низоларни ҳал қилишда ҳам тарафлар келишуви асосида бирор бир давлат суди ёки бошқа орган (арбитраж) ёрдамида амалга оширишни эркин

¹Раҳмонкулов Ҳ.Р., Эргашев В.Ё., ва бошқ. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари: Монография. Тошкент, 2104. 43 Б.

² Е.М. Кондратьева. Свобода договора и «автономия воли сторон» как гарантии осуществления конституционных прав российских участников внешнеэкономической деятельности в международном частном праве. М.: БЕК, 2002 – С.33

³ Black's Law Dictionary, 8th edn. (2004) and see Lowenfeld, The Quest for Reasonableness, at 199 et seq.

танлашлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуннинг 36-моддасига биноан, Хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан, шартномада назарда тутилган ҳолларда ёки тарафларнинг келишувига биноан - ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилади.

Бирор бир савдо низосини ҳал қилишда қайси давлатнинг юрисдикцияси борлиги бўйича мулоҳазалар фақатгина низоларни ҳал қилишда қайси органни танлангани шартномада белгиланмаган бўлса амалга оширилади. Бу эса тарафлар ўзларининг муносабатларида учинчи шахсларни низоларни ҳал қилиш учун эркин танлаш имкониятини беради. 1958 йилда қабул қилинган ва Ўзбекистон 1995 йил 22 декабрда қўшилган “Чет эл арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш тўғрисида” Нью-Йорк конвенцияси ушбу масалада тарафлар эркинлигини таъминлаш воситаси сифатида қаралади¹.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик Процессуал Кодексининг 223-моддасида Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари чет эллик шахслар иштирокидаги етти та ҳолатдаги низоларни кўриб чиқиш ваколати борлиги айтиб ўтилган бўлиб, еттинчи бандида “бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ташкилоти ёки фуқароси билан чет эллик шахс ўртасида келишув мавжуд бўлса” деб белгиланган. Яъни хўжалик судлари тарафларнинг эркинлигини тан олади ва унга биноан иш тутати.

Боб бўйича хулоса қиладиган бўлсак, МДХ доирасида савдо муносабатларининг ривожланиши Собиқ Иттифоқ парчалангандан кейин ривожлана борди ҳамда МДХ доирасида Эркин савдо зонаси тузиш тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши билан ягона иқтисодий макон тузишдаги биринчи қадамлардан бўлди.

¹ Hélène van Lith. International Jurisdiction and Commercial Litigation Uniform Rules for Contract Disputes. The Hague: Erasmus, 2009, P. 9

Шунингдек, савдо муносабатларини ривожлантиришда савдо тамойиллари ва режимлардан тарафларнинг эркинлик тамойили нафақат савдро шартномавий муносабатларда, балки бошқа мулкый муносабатларда ҳам ўз аксини топган бўлиб, уни зарарлар ва ашёвий ҳуқуқ билан боғлиқ муносабатларда, шунингдек, низоларни ҳал қилишда ўз ўрнига эга. Тарафлар эрк-мухторияти қўлланиладиган ҳуқуқни танлашдан ташқари, судловни белгилаш ва низоларни ҳал қилиш йўлларини эркин танлаш, шунингдек, бу масалани амалга ошириш учун учинчи шахсларни жалб қилиш имкониятини ҳам беради.

II БОБ. МДХ ДОИРАСИДА ХАЛҚАРО САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИ ҲАМДА САВДО НИЗОЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИНING ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

Замонавий, минтақавий ва жаҳон сиёсий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан кенгайиши, минтақавий ва жаҳон хавфсизлиги, тобора ўзаро боғлиқ кўринишга эга бўлаётган ва ўзида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, интеллектуал мулк, экологик ва бошқа соҳаларда нисбатан яхлит мажмуавий қаршилиқ хавф-хатарни ифода этаётган турли таҳдидлар билан аниқланади. Шунингдек, XX аср охирида совет тузимининг парчаланиб кетиши натижасида юзага келган давлатларда миллий суверенитетнинг кучайиши ва очиқ геосиёсий маконга айланаётган Марказий Осиё минтақасида мустақил давлатчиликнинг мустаҳкамланиши билан изоҳланади.

Ўз навбатида, халқаро иқтисодий муносабатларнинг тобора ривожланиши, давлатлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг такомиллашуви савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга оид халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини қўллаш самарадорлигини ошириш зарурлигини кўрсатди. Зеро, юридик адабиётларда таъкидлаганидек, халқаро хусусий ҳуқуқ муносабатлар замирида муайян шахсларнинг хусусий мулкӣ ёки номулкий манфаати ётади¹.

Халқаро савдо бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга: биринчидан, иқтисодий ресурсларнинг ҳаракатчанлиги мамлакатлар ўртасида мамлакат ичидагига қараганда анча паст бўлади. Масалан, ишчилар мамлакат ичида вилоятдан вилоятга, ҳудуддан ҳудудга эркин ўтиши мумкин. Мамлакатлар ўртасидаги тил ва маданий тўсиқлардан ташқари яна иммиграцион қонунлар ишчи кучининг мамлакатлар ўртасидаги миграциясига қаттиқ чеклашлар қўяди.

¹ Раҳмонқулов Ҳ.Р., Эргашев В.Ё., ва бошқ. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари: Монография. Тошкент, 2104. 33 Б.

Солиқ қонунчилигидаги, давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа тадбирларидаги фарқлар ва бошқа қатор муассасавий тўсиқлар реал капиталнинг миллий чегара орқали миграциясини чеклайди¹. Иккинчидан, ҳар бир мамлакат ҳар хил валютадан фойдаланади. Бу мамлакатлар ўртасида халқаро савдони амалга оширишда муайян қийинчиликлар туғдиради. Учинчидан, халқаро савдо сиёсий аралашув ва назоратга маҳкум бўлиб, бу ички савдога нисбатан қўлланиладиган тадбирлардан тавсифи ва даражаси бўйича сезиларли фарқланади².

Бугунги кунда МДХнинг аҳамияти, барча аҳдлашувчи давлатларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, шериклар билан ўзаро фойдали ва серқирра ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдорлиги аниқ ва равшандир.

МДХ ҳозирги кунда жаҳон территориясининг 16,2 фоизини яъни 22 млн. кв.м. иборат бўлган 274,2 млн аҳолини (жаҳон аҳолисининг 4%), ЯИМ 2,6 трлн АҚШ долларини (жаҳон ЯИМ 3,6%) ташкил этади.Шунингдек МДХ улкан минерал-ҳомашёга эгадир. Ҳамдўстлик жаҳон нефт захирасини 9,2 % (жаҳонда 4-ўрин), табиий газ бўйича – 31,1 % (жаҳонда 1-ўрин), кўмир бўйича 26,9 % (жаҳонда 2-ўрин), электрэнергияси ишлаб чиқиш бўйича – 7 % (жаҳонда 4-ўрин), буғдой ишлаб чиқариш бўйича – 7% (жаҳонда 4-ўрин) эгаллайди³.

Президентимиз И.А. Каримовнинг ҳам 2014 йил 10 октябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқларида таъкидлаганларидек “Ҳамдўстлик - бу амалдаги мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий базага эга, пухта ишлаб чиқилган восита ва механизмлари асосида бевосита халқаро мулоқот, долзарб масалаларни муҳокама қилиш, унга аъзо давлатлар ўртасидаги мунозара ва турлича қарашларни ҳал этиш учун кенг имкониятлар тақдим этадиган тузилмадир”⁴ деб бежизга айтилмаган.

¹ Дастамов К.Х. Халқаро хусусий ҳуқуқда чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш масалалари. Юр.фан. номзод. Ҳимоя қилиш учун ёзилган диссертация. 2013 й. 45 Б.

² Джумонов Д.С., Мамадиёров О.У. Халқаро савдо ҳуқуқи (маърузалар матни) Т.: ТМИ, 2013. 24 Б.

³ STATISTICS: international trade statistics 2015 (http://www.wto.org/english/res_e/res_e.html).

⁴Каримов И.А. МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. "Халқ сўзи", 14.09.2014 й.

Иқтисодий ҳамкорлик МДХ доирасида бошланиши бу 1993 йил 24 сентябрда Москвада давлатлар томонидан имзоланган “Иқтисодий иттифок ташкил этиш тўғрисида”ги шартномани имзолаш билан боғлиқ эди. Бу шартноманинг асосий мақсади нафақат сиёсий масалалар эди, балки хўжалик муносабатларнинг ҳам рижожлантиришга қаратилган эди¹.

Савдо шартномасининг бир тури бўлган маҳсулот етказиб бериш шартномаси ҳозирда МДХ доирасида кенг қўлланилаётган шарномалардан бири ҳисобланади.

Халқаро келишувга аъзо давлатларда ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўпланган ижобий тажрибаларни ўрганиш халқаро ҳужжатларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласини муҳокама қилиш заруратини кун тартибига қўймоқда. Жумладан:

а) "МДХга аъзо давлатлар ташкилотлари ўртасида товарлар етказиб беришга оид умумий шартлар ҳақида"ги² келишувнинг 1-бандини қуйидаги хатбоши билан тўлдириш лозим:

"Маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий рўзғорга ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ мақсадларда фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади";

б) "МДХга аъзо давлатлар ташкилотлари ўртасида товарлар етказиб беришга оид умумий шартлар ҳақида"ги келишувнинг 21-бандида маҳсулот етказиб берувчининг шартномани жиддий равишда бузиш ҳолатлари сифатида "товар етказиб бериш муддатларини бир неча бор бузиш", " тарафдорлардан бири тўловга қобилиятсиз ёки банкрот деб эълон қилинганда" ҳамда " маҳсулот

¹ Раҳмонқулов Ҳ.Р., Эргашев В.Ё., ва бошқ. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш истиқболлари: Монография. Тошкент, 2104. 33 Б.

² Соглашение об общих условиях поставок товаров между организациями государств-СНГ (Киев, 20 март 1992 года) опубликовано в Информационный вестник Совета глав государств и Совета глав правительств СНГ. вып. № 4-Минск 1993г.

етказиб берувчи томонидан сотиб олувчи билан келишмасдан товарлар ҳақини ошириш ҳолларида" каби қўшимчаларни киритиш зарурати мавжуд.

Охирги пайтларда МДХ доирасида савдо муносабатлари жадал равишда пасайиб бормокда. Бунинг асосий сабаби Ҳамдўстликдаги Европа Иттифоқидан импорт операциялари ҳажми экспорт операцияларига нисбатан икки бароварга ўсгани бўлди. Мисол учун 2014 йилда Европа Иттифоқидан импорт операциялари 44,4 % ташкил этган бўлса 2015 йилда бу кўрсаткич 53,7 % бўлди¹. Иккинчи навбатда, дунёдаги 2008 йилда бошланган катта кризис оқибатлари. Учинчидан, МДХ давлатларидаги ички нотинчликлар, қўзғалонлар сабаб бўлди. Бундан ташқари юқори даражадаги ҳомашёни қайта ишлаш, айниқса Россия Федерацияси, Украина ва Белорусия давлатларида кескин пасайиб кетганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

Украина ва Белорусия давлат раҳбарларининг фикрича иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлашнинг йўлларида бири эркин иқтисодий зонлар ташкил этишдир. Ҳозирда фақат ўн битта давлатдан олтитасида эркин иқтисодий зоналар ташкил этилган. Бошқа давлатлар иккиланади ё улар учун эркин иқтисодий зоналар мос келмаслигини билдиришади. Масалан, Туркменистон учун эркин иқтисодий зона ташкил этиш унга ҳар йили 3000 млн АҚШ долларида зарар кўришини билдирди².

Шунингдек, Президентимиз И.А. Каримовнинг 2015 йил 16 октябрдаги Козоғистон Республикасидаги МДХ саммити учрашувидаги нутқларида "...ўзаро имтиёз ва преференциялар бериш, келишилган ва самарали тариф сиёсатини юритиш, ҳамда, ўзаро манфаатли янги транспорт йўналишларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш орқали транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш МДХ аҳамиятини белгилайдиган энг муҳим омилларидан эканлигини таъкидладилар"³.

2015 йилга келиб Ўзбекистонда 85 фоиз ташкилотлар хусусийлаштирилди. МДХ давлатлари ичида бу энг йуқори кўрсаткичдир. Шу ўринда бу

¹ UNCTAD Handbook of Statistics ([//unctad.org/en/PublicationsLibrary/tdstat](http://unctad.org/en/PublicationsLibrary/tdstat))

² Назарбаев И.И. Всемирная торговая организация. Право, экономика, политика., - М.:ВАСГ, 2008. – С. 346.

³Каримов И.А. МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. "Халқ сўзи", 16.10.2015 й.

тадбиркорлар учун ҳам катта имтиёздир¹. Миллий демократик давлатимизни ривожлантириш йўлидаги илғор қадамлардан бири бу хусусий секторларни янада кўпатиришга қаратилганлигидир.

Шунингдек, Навоий эркин иқтисодий зонаси нафақат Ўзбекистон иқтисодиётига, балким МДХнинг иқтисодиётига ҳам кенг доирада ижобий таъсир кўрсатмоқда.

МДХ доирасида барқарор тараққиётни таъминлаш, биринчи навбатда, Ҳамдўстлик давлатларига боғлиқ. Бу борада ҳамма яқин ва узоқ қўшни давлатлар билан бир-бирини тушуниш, пухта ўйланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни самарали амалга ошириш, аҳоли учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлаш, ўз жамиятларини бунёдкорлик йўлида бирлаштириш зарурлигидадир.

МДХ ҳудудида айна пайтда амалда қўлланилаётган савдо тартибига зарар етказмайдиган принципларга асосланган мукамал эркин савдо зонасини ташкил этиш ва уни тезроқ ишга тушириш кўп жиҳатдан ушбу мақсадларга эришиш, аҳдлашувчи мамлакатлар ўртасида ўзаро савдо ва инвестицияларни кенгайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш имконини беради².

Бу ҳамдўстлик давлатларини яқинлаштирадиган ва жиддий баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган масалаларни узил-кесил ҳал этишга ёрдам берадиган ягона иқтисодий модель бўлиб, ҳозирда бунга бежизга алоҳида эътибор қаратилаётгани йўқ.

Собиқ Иттифоқ маконида бошқа интеграцион бирлашмалар шакллантирилишига қарамай, МДХ фаолияти йўлида бирон-бир тўсиқ йўқлигини яна бир бор таъкидламоқчиман. Бу ўринда гап Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳақида бормоқда. Бу ерда ҳам муҳокамага сабаб бўладиган ҳеч қандай муаммо кўрмаймиз.

Шу билан бирга, ушбу давлатлараро бирлашмаларнинг ҳар бири, жумладан, негизида Евроосиё иқтисодий иттифоқи тузилаётган МДХ ҳам -

¹Каримов И.А. МДХ давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисидаги нутқи. "Халқ сўзи", 16.10.2015 й.

²Портанский А.П. Международное торговое право в XXI веке. М.: РАГС, 2010 г. – С. 176.

дарвоқе, ушбу иттифок нима асосда ташкил этилаётгани ҳақида ўйлаб кўриш ҳам мақсадга мувофиқ бўлар эди - бир-бирини такрорламасдан, ўз фаолиятини мустақил йўлга қўйиши, ривожланиш концепцияси ва узоқ муддатли дастурига эга бўлиши муҳим, деб ҳисоблаймиз. Агар мазкур шартларга риоя этилмаса, ушбу бирлашмаларнинг ўзаро мувофиқ равишда фаолият кўрсатишига умид қилиш қийин.

Бирок, Евроосиё иқтисодий иттифоқига бирлашишмаслик масаласининг бошқа томони ҳам бор. Биринчидан, иштирокчи давлатларнинг фақат битта давлат билан икки томонлама савдо битими тузишга интиладилар. Бу бошқа давлатлар билан камситиш ҳолатига яъни “домино эффекти”га олиб келади¹. Иккинчидан, асосан икки томонлама савдо битимларида кўп томонлама савдо битимларида бўлган имкониятлар йўқ. Масалан, товар келиб чиқиш қоидалари, антидемпинг назорати ва шу каби бошқа имкониятлар йўқ. Учинчидан, ривожланган давлатлар билан унча ривожланмаган давлатлар ўртасидаги рақобат ноқулай позицияга олиб келади. Тўртинчидан, ушбу иттифокдаги давлатларнинг савдо сиёсатини чалкашликларга олиб келади. Мисол тарақасида, ҳозирда юқорида кўрган масалаларимиз Бутунжаҳон Савдо Ташкилотидаги аъзо давлатларини жиддий ҳавотирга солмоқда.

Ўйлаймизки ҳозирги глобал ўзгаришларда МДХ давлатлари ҳам ўзаро савдо муносабатларини юқори босқичда мустаҳкамлашса ва янада ривожлантирса ғарб давлатларига ҳамда узоқ шарқ мамлакатлар билан рақобатлашишда кучли бирдамликга эга бўладилар.

Шунинг учун ҳам МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солишда барча иштирокчилари бир хил равишда ҳаракат олиб боришлари ҳамда ўз ҳиссаларини қўшишларини талаб қилади.

¹ Ахадова М. Правовые формы иностранных инвестиций по законодательству Республики Узбекистан и вопросы их совершенствования Монография. Т.: 2010 г. – 76 Б.

Турли интеграциявий битимларни таҳлил қилар эканмиз албатта, Европа Иттифоқи, НАФТА, ОСЕАН ва СЕФТА каби ташкилотларнинг тажрибасини кўрмасликнинг иложи йўқ.

МДХ ташкилоти ва НАФТА ташкилоти битимларига ёндашувлари ўртасидаги фарқ шундаки, НАФТА ташкилотида қарор қабул қилиш узок муддат муҳокама қилинади ва жамоат билан келишилади ҳамда қарор қабул қилинганда у ижрога мажбурий бўлади. МДХ ташкилотида маълумки, қарор осон баён қилинади, аммо кўп ҳолларда ижро қилинмайди.

2013 йилдан бошлаб токи 2016 йилгача НАФТА ташкилотига аъзо давлатларнинг савдодан фойдаси 109% фоизга яъни 297 миллиард АҚШ доллардан то 622 миллиард АҚШ долларга ўсди. Ҳар куни НАФТА ташкилотининг экспорти 1.7 миллиард АҚШ долларга тўғри келади. Мексикада экспортга ўртача тарифи АҚШга нисбатан 2% қилинди ҳамда тарифсиз тақиқлар олиб ташланган¹.

Шунингдек, АҚШнинг ташкилот аъзоларига қиладиган экспорт маҳсулотлари икки баробарга ошди яъни 142 миллиард АҚШ доллардан то 262 миллиард АҚШ долларга ўсди ҳамда АҚШга инвестициялар суммаси ҳам ўсиб борди².

Катта миқдордаги экспорт ва инвестицияларнинг Шимолий Америка давлатларига кириши унинг иқтисоди ва ишлаб чиқариш салоҳиятига ижобий ўсишишига таъсир қилди.

НАФТА ташкилотининг олдинги ҳолати билан ҳозирги ҳолатини солиштириб таҳлил қилганда бу ташкилот ўзининг интеграциявий самарадорлигига эришди ҳамда ушбу ташкилотга аъзо давлатларнинг ўзаро иқтисодий бирлашиш даражасига эришди десак муболаға бўлмайди³.

Муълумки, НАФТА ташкилотга аъзо давлатлар “Эркин савдо зонаси” ташкил этиши билан иқтисодий интеграциянинг биринчи босқичини босиб

¹ <http://www.naftanow.org/statistics/420>

² <http://globaledge.msu.edu/trade-blocs/nafta/statistics>

³ Самархўжаев Ж.Б. Халқаро хусусий ҳуқуқда юридик шахснинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш масалалари. Монография. Т.: 2010 г. – 176 Б.

ўтди ва ундан ҳозирги кунга қадар воз кечишни ҳеч бир аъзо давлат хохламайди. Бундан кўриниб турибдики ушбу ташкилотда эркин савдо зоналари ташкил этишда тўғри йўл ва аниқ концепция асосида қурилган.

МДХ ташкилотини ташкил этишда яқин қўшни халқларнинг иқтисодий интеграциясини энг қуйи даражасидан бошлаш кераклигига аъзо давлатлар аҳамиятсиз қарашди. Ва бу ушбу аъзо давлатларнинг жиддий адашишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, МДХ ташкилотининг устав хужжатлари Европа Иттифоқи ташкилотининг устав концепцияси асосида қурилди. Мадомики, бу МДХ ташкилотига аъзо давлатларига жуда юқори даражадаги мажбуриятлар юқлар эди ва Европа Иттифоқи давлатларининг иқтисодий даражаси билан МДХга аъзо давлатларнинг иқтисодий даражаси солиштирганда бир-бирига мос келмайди.

Ҳамдўстликда кичик тадбиркорликни қўллаш ва ривожлантириш борасида аниқ ҳуқуқий база бўлиб, ҳозирда у МДХ ташкилотига аъзо давлатларнинг иқтисодиётида фаол ривожланаётган сектор ҳисобланади. 2015 йил мутахассисларнинг баёнотида кўра, кичик бизнесда 18 миллион одам ишлайдиган 1840 минг акционерлик жамияти, компаниялар ва кооперативларни қамраб олган. Асосан, Ҳамдўстликда кичик бизнес фаолиятини тартибга солувчи миллий дастурлар, қонунчиликда норматив-ҳуқуқий актлар ва бошқа қонуности хужжатлар тасдиқланган¹.

Ҳамдўстлик давлатларидан мисол учун, Ўзбекистон Республикасида 2011 йил 24 августда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-4354 сонли Президент Фармони, 2015 йил 15 майда “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги каби Президент Фармонлари қабул қилинган.

¹ [http://www.cisstat.org/Press reliz/2016](http://www.cisstat.org/Press%20reliz/2016)

Жумладан, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунлар мазкур соҳани тартибга солишда, ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши мунтазам ортиб бормоқда. Хусусан, мазкур соҳа вакиллари ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 1991 йилда 32,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йил 1-чоракда бу кўрсаткич 58,8 фоизга етди. Кичик бизнес субъектлари ҳиссасига саноат маҳсулотининг 59,6 фоизи, қурилиш ишларининг 61,1 фоизи, чакана савдо айланмасининг 52,9 фоизи, пуллик хизматларнинг 41,3 фоизи, экспортнинг 23,1 фоизи тўғри келди. Кичик бизнес корхоналари ва хусусий тадбиркорлар бугунги кунда 662 мингдан зиёд кишининг бандлигини таъминламоқда¹.

Худди шундай қонунчилик ҳужжатларини бошқа МДХга аъзо давлатлар қонунчилигида кўриш мумкин. Масалан, Россия Федерациясида янги таҳрирда 2007 йил 24 июлда “Россия Федерациясида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш тўғрисида”ги Федерал Қонуни қабул қилинган. Қозоғистон Республикасида 2006 йил 31 январда “Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган.

МДХ ташкилотида ўзаро хомашё резервлари катта миқёсда. Аммо, уларнинг самарали фаолият юритиши учун янги трансмиллий корпорациялар, қўшма корхоналар, молиявий саноат гуруҳлари ва бошқа ҳамкорлик тизимидаги тадбиркорлик формалари асосидаги рақобатбардош бозорлар ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Халқаро миқёсда савдо муносабатларини ривожлантиришнинг энг самарали йўللардан бири бу тезкор ахборот алмашинуви ҳисобланади. Бундай тизимни шакллантириш учун

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. "Халқ сўзи", 17.01.2016 й.

телекоммуникациялар ва электрон тижорат соҳасига приоритет берилиши керак ва ушбу соҳада ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш зарур¹.

Электрон тижоратни ташкил этиш ва ривожлантиришда аввало, бошланғич босқичларда ўзаро молия-кредит тизимларида, хўжалик субъектлари ўртасида ҳамда божхона тизимида фойдаланса ишлар хажми камаяди ва божхона назорати процесслари енгиллашади.

Европа Иттифоқи билан МДХ ташкилотларини иқтисодий ривожланишини қиёслайдиган бўлсак, ЕИга аъзо давлатлар деярли бир хил иқтисодий ривожланишга эга десак адашмаймиз. Европа Иттифоқида бирон бир аъзо давлат ўзининг жуда катта иқтисодий фарқ билан ажралиб туришини кўрмаймиз. МДХда эса бу ҳолат аксинча. Бунинг юқорида келтириб ўтган статистик маълумотларда ҳам кўрсак бўлади. Агарда МДХда икки томонлама ва бир томонлама алоқаларни кўрадиган бўлсак кўзга авваламбор, Ҳамдўстлик давлатлари бозор иқтисодига ўтишда мулк ҳукукида ўзгаришлар юз берди, бозор инфраструктураси шаклланди ҳамда иқтисодиётида давлат бошқарув механизми шаклланди.

Аммо бундай ўзгаришлар МДХ давлатларида ҳар босқичда амалга ошди. Мисол учун, мулкчилик соҳасида хусусийлаштиришда асосий йўналиш савдо ташкилотлари, жамоат истеъмоли ва хизмат ташкилотларига тўғри келади. Ушбу хусусийлаштириш умумий ҳисобда Беларусия, Козоғистон ва Малдовияда 48-50% фоиз, Қирғизистон ва Россия Федерациясида 57-59% фоиз, Украинада 66%, Грузияда 79%, Ўзбекистонда 85% фоизни ташкил этди². МДХда иқтисодий ўсиш босқичининг қийинлиги шундаки Ҳамдўстлик давлатларида ҳар хил иқтисодий ривожланиш, ресурсларни қайта ишлаш билан кам таъминланганлиги, чора-тадбирлар ўтказилишининг сустлиги, тўлов ва савдо дисбаланси иқтисодий интеграцияга таъсир қилмасдан қолмайди.

МДХ ташкилотини ташкил этишда жуда муҳим фактларидан бири давлатлар олдиндан ягона хўжаликка эга бўлганлигидир яъни собиқ совет

¹ Исламходжаев Х.С. Организационно-правовые аспекты вступления Республики Узбекистан во Всемирную торговую организацию. дис. на соиск. учен. степ. доктор. юр. наук.Ташкент.2008. С 46.

² [http:// www.cisstat.org/Press reliz/](http://www.cisstat.org/Press%20reliz/)

давлатлари қайтатдан бирлашишидир. Бундай ҳолат олдин тарихда кузатилмаган. Бу шуни англатадики, улар ўртасидаги номутаносибликни келтириб чиқарди. Чунки хомашё ва ишлаб чиқаришнинг қайта тақсимланиши номутаносиб даражада эди. Оғир саноат Прибалтика ва Беларуссияда, хомашёни эса Сибир ва Козоғистондан етказилган. Бунинг оқибатида на у давлатга на бу давлатга фойдали бўлган. Совет Иттифоқи тарқалгандан кейин баъзи давлатлар муҳим хомашё ва маҳсулотни қўлга олиб монополистга айланган. Мисол учун, Россия Федерациясига нефт казиб олишнинг 90% фоизи, табиий газнинг 75% фоиздан кўпроғи, ёғочнинг 91% фоизи, полиматериал ва коғознинг 80% фоиз улушига тўғри келарди. Украинага эса темир ишлаб чиқаришнинг 68% фоиз улушига тўғри келарди. Ўзбекистонга пахтанинг 60% фоиз улушига тўғри келарди¹.

Айнан ушбу соҳалар махсус тизимли бўлиб ва уларнинг ажралиши ва тарқалиши МДХ ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига тўсқинлик қилувчи омил ҳисобланди. Албатта, МДХ ташкилотида аъзо давлатлар манфаатлари ва қизиқишларнинг ҳар томонламалиги ҳамда сиёсий қарама қарши сиёсати уларнинг мустақкам бирлашиши ва ҳар томонлама ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди.

Бундан ташқари МДХ доирасида савдо муносабатларини тартибга солишда ўзига хос хусусиятларадан бири МДХ доирасида савдо муносабатларини тартибга солувчи ягона тизим мавжуд эмас. Шунинг учун, МДХ доирасида савдо муносабатларини тартибга солишда МДХ Савдо Кодекси қабул қилишни тавсия этамиз.

Бундан ташқари МДХ доирасида савдо шартномасида товар етказиб бериш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Ҳалқаро кўламда товар етказиб бериш бўйича шартномавий муносабатларда кенг қўлланиладиган атамаларнинг ягоналигини таъминлашда муҳим манба бўлиб хизмат қилаётган янги таҳрирдаги Инкотермс-2010 қоидаларига² ҳам тегишли ўзгартириш ва

¹[http:// www.cisstat.org/Press reliz/](http://www.cisstat.org/Press%20reliz/)

² Янги таҳрирдаги Инкотермс-2010 қоидалари Ҳалқаро савдо палатаси – Жаҳон бизнес ташкилоти (International Chamber of Commerce, ICC) томонидан ишлаб чиқилган ҳамда 2011 йил 1 январдан кучга кирган.

қўшимчалар киритиш зарурати мавжуд: *биринчидан*, Инкотермс-2010 қоидалари сотувчининг (маҳсулот етказиб берувчининг) шартнома бўйича фақатгина товарни етказиб бериш (топшириш)да ўз мажбуриятларини бажариш пайтини белгилайди, шунингдек, сотувчининг товарни сотиб олувчига халқаро олди-сотди шартномаси мувофиқ топширишини назарда тутди; *иккинчидан*, товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаси бўйича тарафларнинг ўз мажбуриятларини бажармаслик оқибатлари (мол-мулкнинг тасодифан шикастланиши ёки тасодифан нобуд бўлиши хавфининг ўтиши, шунингдек, товар миқдорига таалуқли қоидалардан ташқари) белгиланмаган; *учинчидан*, мулк ҳуқуқининг сотувчидан товарни сотиб олувчига ўтиши билан боғлиқ қоидалар ўз аксини топмаган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, МДХ ташкилотини бошқа халқаро ташкилотлар билан таҳлил қилганда унинг халқаро миқёсда ўрни ва таъсири сезиларли даража паст. Шунингдек, бу ташкилот бошқа халқаро ташкилотларга тақлид қилмасдан ўзининг махсус иқтисодий ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқса мақсадга мувофиқ бўлар эди ҳамда аъзо давлатлар ўртасида бир-бирини ночор вазиятга келтирмайдиган Эркин савдо битими имзолашса мақсадга мувофиқ бўлади. Яъни ҳар бир давлатга алоҳида ёндашув керак. Унинг иқтисодий ва географик жойлашувига қараб преференциялар ёки чекловлар қўйилиши керак.

2.2. МДХ доирасида вужудга келадиган савдо ва бошқа низоларни ҳал этиш тартиби

Ҳар бир ҳуқуқий муносабатни тартибга солишда ёки маълум бир норматив ҳуқуқий акт қабул қилишда албатта, унда низоларни ҳал этиш тартиби белгилаб қўйилади. биз ҳам МДХ доирасида вужудга келадиган савдо ва бошқа низоларни ҳал этиш тартибига тўхталиб ўтмоқчимиз.

1993 йилги “МДХга аъзо давлатлар ҳукумати томонидан тузилган, хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги ¹ келишувда иштирок этган МДХ давлатларининг хўжалик юритувчи субъектлари:

а) МДХ таркибидаги бошқа давлат ҳудудида шу давлатнинг хўжалик юритувчи субъектлари билан тенг равишда ўзининг мулкӣ ҳуқуқлари ва қонунӣ манфаатларини ҳуқуқӣ ва суд орқали муҳофаза қилишлари мумкин;

б) МДХ таркибидаги бошқа давлатлар ҳудудида эркин ва ҳеч қандай тўсиксиз суд, арбитраж (хўжалик суди), ҳолислик суди ва тааллуқлича ишларни ҳал этишга ваколатли бўлган бошқа органларга мурожаат қилиш, суд мажлисларида сўзга чиқиш, даъво қилиш ва бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. МДХ давлатлари қонунларида чет эл фуқаролари ва ташкилотлари ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали муҳофаза қилиш борасидаги миллий режим улар томонидан бажарилиши лозим бўлган алоҳида талаблар билан, шу жумладан, муайян муддат ичида суд кетаётган давлатда яшаб туриш ёки даъвони қабул қилиш рад этилган ҳолда жавобгар қоплаши керак бўладиган суд харажатлари учун гаров пулини тўлаш билан боғлиқ эмас. Ўзбекистон Республикаси қонунларида ва халқаро шартномаларида чет элликларни суд харажатларини қоплашга мажбур этувчи *cautio judicatum solvi* институти мавжуд эмас.

1993 йилги “Хўжалик фаолиятини юритиш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги битимга биноан, битим иштирокчилари бўлган давлатларнинг олий суд органлари ва адлия вазирликлари ўз давлатларида амал қилган ёки амал қилаётган қонунлар ва уларнинг қўлланиши масалалари ҳақида бир-бирларига маълумот бериб турадилар.

1993 йилги “Хўжалик фаолиятини юритиш билан боғлиқ низоларни ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Битим қоидалари МДХ мамлакатларининг хўжалик юритувчи субъектлари ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш муддатларини

¹ Соглашение стран СНГ о порядке разрешения хозяйственных споров. 8 апреля 1993 г. опубликовано в Информационный вестник Совета глав государств и Совета глав правительств СНГ. вып. № 4-Минск 1993г.

қискартиришга хизмат қилади: мазкур битимга биноан ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш пайтида шу битим аъзолари бўлган мамлакатларнинг ваколатли судлари ва бошқа органлари бир- бирлари билан бевосита алоқада бўладилар; ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни ёки топшириқни ижро этишни сўраб мурожаат қилинганда ҳужжатлар ёрдам сўраган мамлакат тилида ёки рус тилида тақдим этилади¹.

Айни пайтда, “МДХга аъзо давлатларнинг ташкилотлари ўртасидаги халқаро савдо ва етказиб беришнинг умумий шартлари ҳақида”ги келишувни такомиллаштириш ҳақида ҳам юридик адабиётларда ² фикрлар билдирилаётганлигини, хусусан, ушбу ҳужжатда мажбуриятларни бажариш тартибини, шунингдек, уни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи қоидалар йўқлигининг эътироф этилаётганлигини айтиш мумкин. Бундан ташқари, МДХ аъзо айрим давлатлариди (Арманистон, Молдова, Тожикистон, Туркменистон) судлар томонидан ушбу ҳужжат доирасига таалуқли бўлган низоларни кўришда мазкур Келишув қоидалари умуман қўлланилмаганлигини³ алоҳида таъкидлаш жоиз.

Эркин савдо зоналарининг фаолият асослари барчаси халқаро шартномларга асосланади. Юқорида айтганимиздек Эркин савдо зонаси тўғрисидаги Шартномалар Бутунжаҳон Савдо Ташкилотининг 1994 йил 15 апрелдаги Марокаш Битими асосида тузилган ва минтақавий савдо шартномлари билан боғлиқ низоларни ҳал этиш Марокаш Битимига асосланади. Бунинг ягона шарти давлатларнинг ЖСТга аъзолигидир. Шу билан бирга Эркин савдо зоналарида низоларни ҳал этишнинг алоҳида механизми ишлаб чиқилган. Қуйида ҳар бир Эркин савдо зонасида низоларни ҳал этиш тартиби ҳақида ва унинг механизмини батафсил ёритиб ўтамыз.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги доирасида тузилган “Эркин савдо

¹ Гулямов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент Шарқ. 2002. 39-б.

² Розенберг М.Г. Международная купля продажа-товаров: Комментарии к правовому регулированию и практике разрешения споров. 3-е изд. – М. 2006 С 26-28.

³ МДХ иқтисодий масалалар бўйича Судининг 2005 йил 10 ноябрдаги 01-1/3-04-сонли Қарори.

зонаси тўғрисида”ги Шартноманинг¹ “баҳсли масалалар” номли 19-моддасида низоларни вужудга келиш сабаби ва ҳал этиш тартиби баён этилган. Шу билан бирга шартноманинг 4-илоvasида 29 банддан иборат “Низоларни ҳал этиш Қоидалари” ва 46 банддан иборат 4-иловага қўшимча “низоларни ҳал этиш жараёнининг намунавий Қоидалари” ишлаб чиқилган бўлиб, унда низоларни бартараф этиш усуллари, ҳал этиш жараёни аниқ ва батафсил ёритилган.

Шартноманинг 19-моддаси биринчи қисмида томонлар шартномада белгиланган ўзларининг мажбуриятларини бажариш учун барча керакли чораларни кўриши кераклиги эътироф этилган. С.Ж.Айдарбаев ўзининг “МДХ Эркин савдо зонаси доирасида давлатлар ўртасида низоларни ҳал этиш тартиби” номли мақоласида “мажбуриятларни бажариш учун керакли барча чораларни кўриш принципи давлатларнинг ўз мажбуриятларини бажаришда масъулиятни ошириш учун қўшимча кафолат ҳисобланади”.²

Агар томонлардан бири шартномада белгиланган мажбуриятларни бажармаса ва шунинг натижасида бошқа томоннинг иқтисодий манфаатларига зиён келтирса ёки зиён келтириш хавфини келтириб чиқарса, иккала томон вужудга келган низони бартараф этиш учун ўзаро маслаҳатлашиб олишади. Агар низони бу йўл билан бартараф этиш имконияти бўлмаса унда Томонлар қуйидаги уч чорадан бирини амалга оширади:

Агар низолашаётган иккала томон ҳам МДХ доирасида 1992 йил ташкил этилган Иқтисодий Суднинг статуси тўғрисидаги Битимга аъзо бўлса мурожаат қилади

Агар юқоридаги томонлардан бири ёки иккаласи ҳам Битимга аъзо бўлмаса унда шартноманинг 4-илоvasига мувофиқ ташкил этилган экспертлар комиссиясига мурожаат қилинади.

Шартномада белгиланган низоларни ҳал этиш муҳанизмининг яна бир ўзига хос томони агар томонлардан иккиси ҳам ЖСТнинг аъзоси ҳисобланса, унда ЖСТнинг механизми ишга тушади. Ҳозирги кунда МДХ давлатларидан

¹ 2011 йил 18 октябрда МДХга аъзо давлатлар йиғилишида “Эркин савдо зонаси тўғрисида”ги Шартнома имзоланди. Санкт-Петербург. Право. 18.10.2011

² Хайдарбаев С.Ж. Порядок разрешения межгосударственных споров в рамках зоны свободной торговли СНГ/ <http://www.article.com/article/11789>

Қозғоғистон, Россия, Арманистон, Украина, Қирғизистон ва Тожикистон ЖСТнинг аъзоси ҳисобланади.

1992 йил 6 июлда МДХ давлат бошлиқлари Кенгашининг давлат вакиллари томонидан “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг Иқтисодий Судини ташкил этиш тўғрисида”ги ¹ Битими имзоланган бўлиб, унинг ваколатларига Ҳамдўстлик давлат бошлиқлари Кенгаши, ҳукумат бошлиқлари Кенгашининг битимлари, қарорларида назарда тутилган иқтисодий мажбуриятларни бажариш чоғида юзага келадиган, шунингдек Ҳамдўстликнинг иқтисодий масалалар юзасидан қабул қилинган битимлари ва бошқа ҳужжатларига Ҳамдўстликка аъзо давлатлар норматив ва бошқа ҳужжатларининг мувофиқлигини аниқлаш билан боғлиқ давлатларaro иқтисодий низоларни ҳал қилиш киради.

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар ўртасида тузилган битимларга мувофиқ МДХ Иқтисодий Суди ваколатига Ҳамдўстлик битимларини ҳамда улар асосида қабул қилинган бошқа ҳужжатларни ижро этиш билан боғлиқ бошқа низоли масалаларни ҳал қилиш ҳам киритилиши мумкин.

Низоларни кўриб чиқиш натижаларига кўра Ҳамдўстликка аъзо давлатнинг Ҳамдўстлик битимини, Ҳамдўстлик ва унинг институтларининг бошқа ҳужжатлари қоидаларини бузганлиги (ёки бузмаганлиги) ҳолати аниқланганлиги ҳамда тегишли давлатга қоидабузарликни ва унинг оқибатларини бартараф этиш учун кўриш тавсия этилувчи чора-тадбирларни белгилаш тўғрисида қарорлар қабул қилиниши лозим.

МДХ Иқтисодий Суди ваколатига шунингдек Ҳамдўстлик ва унинг институтлари битимлари, бошқа ҳужжатлари қоидаларининг қўлланишини талқин қилиш киради. Талқин қилиш муайян ишлар юзасидан қарорлар қабул қилишда, шунингдек давлатларнинг ҳоқимият ва бошқарув олий органлари, Ҳамдўстлик институтлари, олий хўжалик, арбитраж судлари ҳамда давлатларда иқтисодий низоларни ҳал қилувчи бошқа олий органларнинг сўровларига

¹ wikipedia.org/wiki/Экономический_суд_СНГ

биноан амалга оширилади¹.

МДХ Иқтисодий Суди Ҳамдўстликка аъзо ҳар бир давлатдан тенг судьялар сонидан тузилади. Улар Ҳамдўстликка аъзо давлатларда олий хўжалик, арбитраж судларининг судьяларини сайлаш (тайинлаш) учун белгиланган тартибда, катъий профессионал асосда, хўжалик, арбитраж судларининг судьялари ҳамда иқтисодий ҳуқуқий муносабатлар соҳасида юқори малакали мутахассислар ҳисобланган, олий юридик маълумотга эга бўлган бошқа шахслар орасидан 10 йил муддатга сайланади. МДХ Иқтисодий Суди раиси ва унинг ўринбосарлари суд судьяларининг кўпчилик овози билан сайланади ҳамда Ҳамдўстлик давлат бошлиқлари Кенгаши томонидан 5 йил муддатга тасдиқланади.

Иқтисодий Суд томонидан давлатлар ўртасида иқтисодий низони ҳал этиш тартиби МДХ давлат бошлиқлари Кенгашининг 1997 йил 10 июлдаги Қарори билан тасдиқланган “МДХ Иқтисодий Суди Регламенти”² нинг 4-бобида ифодаланган. Унга кўра манфаатдор давлатнинг ариза³ бериши билан иш бошланади. Аризага илова қилиб, судгача бўлган жараёнда амалга оширилган ишларнинг яъни ўзаро маслаҳатлашув (консултация) баённомалари ва бошқа ҳужжатларни топшириш керак. Суд жараёни даъво аризаси қабул қилингандан бошлаб 30 кун мобайнида белгиланади. Шу муддат мобайнида барча ҳужжатлар талаб қилиниб олинади, суд жараёнини олиб борадиган судьялар белгиланади. Суд жараёни 3 ёки 5 судья томонидан олиб борилади. Регламентнинг 38 бандига мувофиқ суд жараёни бошлангунга қадар жавобгар томон қарши даъво аризаси киритиши мумкин.

Мисол тариқасида қуйидаги суд ишини келтирамиз. 2011 йил 10 январ куни МДХ Иқтисодий Судига Беларусия Республикаси Ҳукумати томонидан Россия Федерацияси Ҳукуматига даъво аризаси киритди. Даъво аризага асосан Россия Федерацияси томонидан халқаро эркин савдо шартномаларини ва

¹Сафиуллин Д. Статус Экономического Суда Содружества Независимых Государств и юридическая сила его решений. // «Хозяйство и право» № 7, 2008 г.

²Регламент 2013 йил 11-январда қайта нашр этилган.

³МДХ Иқтисодий Суди тўғрисидаги Низомнинг 3-банд 2-қисмини Шарҳи тўғрисидаги 2007 йил 11 ноябрдаги 01-1/1-07 сонли Қарорда “ариза” атамасини “манфаатдор давлатнинг бир томонлама даъво аризаси” деб талқин этиш тўғрисида тушунтириш берилди.

Божхона иттифоқи қоидаларини нефт маҳсулотларига Россия Федерациясидан Беларусияга олиб чиқишда бож ундирилиши орқали бузмокда деб кўрсатилган.

МДХ Иқтисодий Суд томонидан даъво аризаси қабул қилиниб ҳамда ҳар томонлама ўрганиб чиқиб 2011 йил 20 апрел куни 01–1–Е/2–10-сонли ҳал қилув қарори чиқарди. Ҳал қилув қарорига асосан 2000 йил 10 октябрда “Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Шартноманинг 2-моддаси ва 2007 йил 6 октябрда “Ягона божхона ҳудудини ва божхона иттифоқини ташкил этиш тўғрисида”ги Шартноманинг 4-моддаси ҳамда МДХ Иқтисодий Суди Регламентининг 107-110 бандларига асосан давогарнинг даъво талаблари қаноатлантирилган¹.

МДХ Иқтисодий Судининг яна бир хослик томони суд жараёнига Бош Маслаҳатчи таклиф этилишидадир. У ҳуқуқнинг қайсидир соҳасида амалий ва назарий билимга эга бўлган шахс ҳисобланиб, унинг вазифаси томонларнинг далилларини, эксперт хулосасини эшитиб, ҳуқуқий ёзма хулоса беришдан иборатдир. Низоли масала очик суд мажлисида кўриб чиқилади ва у уч босқичдан иборат: далилларни ўрганиш; музокара; қарор қабул қилиш босқичи.

Биринчи босқич томонлар ўз далилларини ёзма ва оғзаки тарзда тақдим этади, эксперт ва мутахассисларнинг фикрлари тингланади ва охирида Бош маслаҳатчининг ёзма хулосаси тингланади.

Иккинчи босқичда суд музокараси эълон қилинади. Бу босқичда манфаатдор томонлар қарши томоннинг далиллари ва ҳолатига баҳо беради ва ўз эътирозларини келтиради. Охирги эътироз доим жавобгар томонидан билдирилади.

Суд коллегияси якуний қарор чиқариш учун далилларни етарли деб ҳисобласа, қарор қабул қилиш учун маслаҳатга киради. Қарор судьяларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Халқаро олди-сотди соҳасида халқаро савдони мувофиқлаштириб турувчи моддий-ҳуқуқий меъёрларнинг мавжуд эмаслиги низоларнинг келиб чиқишига

¹ МДХ Иқтисодий Суди тўғрисидаги Низомнинг 3-банд 2-қисмини Шарҳи тўғрисидаги 2007 йил 11 ноябрдаги 01-1/1-07 сонли Қарорда “ариза” атамасини “манфаатдор давлатнинг бир томонлама даъво аризаси” деб талқин этиш тўғрисида тушунтириш берилди.

ва халқаро савдо ривожланишига муайян даражада салбий таъсир этмоқда. 1966 йил 17 декабрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 2205-сонли "Турли давлатларнинг халқаро савдоси тўғрисида"ги Резолюциясида турли мамлакатлар қонунларидаги фарқлар, халқаро савдо ривожланишига асосий тўсиқлардан бири деб кўрсатилади. Турли давлатларнинг миллий қонунчиликлари ўртасидаги фарқларнинг турли-туманлиги, бу масалалар бўйича қарама-қарши қоидалар келтириб чиқармоқда. Шунинг учун коллизия масаласининг қандай ҳал этилиши, низони ҳал этаётганда шартномага қайси ҳуқуқни қўлланиш муаммолари, кўп ҳолларда шартномани имзоланган деб ҳисоблаш керакми, тарафлар томонидан бир-бирига у ёки бу талабларни қўйишга ҳақлидирларми, тарафларнинг жавобгарлик ҳажми чегараси каби масалаларни ҳал қилиш билан ҳам узвий боғлиқ ҳисобланади.

Турли хилдаги давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро тузиладиган ташқи савдо муносабатларига оид асосий манбаларни ҳуқуқий тартибга солиш қуйидаги усуллар билан амалга оширилиши мумкин. Биринчидан, халқаро шартномалар доирасида ишлаб чиқилган меъёрий қоидаларни миллий қонунчиликка киритиш. Иккинчидан, халқаро шартномаларга ўхшаш қонунларни қабул қилиш. Учинчидан, турли намунавий шартномаларни ишлаб чиқиш. Тўртинчидан, шаклланган савдо урф-одатларини халқаро ташкилотлар томонидан "савдо атамалари" сифатида таърифлаб беришдан иборатдир¹.

1964 йил Гаага Конференциясининг сессиясида "Товарларнинг халқаро олди-сотди савдоси тўғрисидаги шартномаларни тузиш" Гаага Конвенцияси қабул қилинган. Аммо Конференцияда асосан Ғарб мамлакатлари иштирок этганликлари сабабли, мазкур Гаага конвенцияларининг мазмуни тўлиқ миқдорда умумий тусга эга бўлмади. Шу боис 1964 йилги Гаага Конвенцияси кенг қўламда қўлланилмади. Халқаро савдо ҳуқуқи бўйича БМТ Комиссияси барча мамлакатларнинг ҳуқуқ тизимларига тўғри келадиган қоидаларни ишлаб чиқиш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

¹ Щебаров Н. Государственное регулирование: соотношение свободы торговли и протекционизма // Мировая экономика и международные отношения. – 2003. – С 45.

Мазкур комиссия иш фаолияти натижасида лойиҳа ишлаб чиқилиб, бу лойиҳа асосида 1980 йили Вена Конференциясида "Товарлар халқаро олди-сотди шартномалари" тўғрисида БМТ Конвенцияси қабул қилинди. Конвенциянинг кириш қисмида эътироф этилганидек, иштирокчи давлатларнинг фикрига кўра товарларнинг халқаро олди-сотди шартномаларини тартибга солувчи умумий меъёрлари қабул қилиниши ва унда турли ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий тизимлардаги мавжуд фарқларнинг инобатга олинishi, халқаро савдода юзага келаётган ҳуқуқий тўсиқларни бартараф этишга ва халқаро савдонинг ривожланишига олиб келиши мумкинлиги қайд этилган.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, халқаро тижорат низолари камдан-кам ҳолларда умумий ваколатга эга бўлган давлат судлари томонидан кўриб чиқилади. Турли мамлакатлар ташкилотлари ва фирма вакилларининг фикрича, ишни арбитраж тартибида кўриш оддий суд тартибида кўришдан афзалроқдир¹.

Бунга сабаб, ишни кўриб чиқиш тартибининг содда роқлиги, қулайлиги, харажатларнинг камлиги ва бошқалар. Бугунги кунда Халқаро арбитраж судларининг икки тури мавжуд: Ad hoc ва доимий фаолият юритувчи (институцион) арбитражлар. Ad hoc арбитраж судлари шартнома иштирокчилари томонидан конкрет бир низони кўриб чиқиш учун бевосита тузилади. Тарафлар ушбу судни тузиш тартибини ўзлари ўрнатадилар, ҳакамликка номзодни тасдиқлайдилар, шунингдек, ишни кўриб чиқиш тартибини белгилайдилар. Низони ҳал қилиш бўйича қарор қабул қилинганидан сўнг Ad hoc арбитраж ўз фаолиятини тўхтатади.

Институцион (доимий фаолият юритувчи) арбитражлар Ad hoc арбитраж судлари дан фарқли ўлароқ миллий савдо палаталари, биржалар, тадбиркорлар уюшмалари қошида ташкил этилади. Улар махсус регламентлар асосида

¹ Щебаров Н. Государственное регулирование: соотношение свободы торговли и протекционизма // Мировая экономика и международные отношения. – 2003. – С 56.

фаолият юритадилар. Институцион арбитражлар орасида энг машхурлари қуйидагилардир:¹

1. Халқаро Савдо палатаси қошидаги Арбитраж суди (Париж шаҳри);
2. Стокгольм Савдо палатаси қошидаги Арбитраж институти;
3. Лондон халқаро ҳакамлик суди;
4. Америка арбитраж уюшмаси.

Ad hoc арбитражлари бирор-бир институцион арбитраж регламента: асосида ёки Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг махсус Ad hoc арбитражлари учун ишлаб чиқарилган регламентлари асосида ўз фаолиятларини амалга оширишлари мумкин. Буларга БМТ Европа Иқтисодий Комиссиясининг 1966 йилги Арбитраж Регламентини, БМТнинг Осиё ва Узоқ Шарқ, Иқтисодий Комиссиясининг 1966 йилги "Халқаро савдо арбитражи қоидалари"ни, БМТнинг халқаро савдо ҳуқуқи бўйича Комиссияси (ЮНСИТРАЛ)нинг 1976 йилги Арбитраж Регламентини мисол қилиб келтириш мумкин.

Халқаро амалиётда арбитражнинг кенг тарқалиши унинг фаолиятининг турли хил жиҳатларини тартибга солувчи универсал характерга эга бўлган давлатлараро келишувларнинг ишлаб чиқишига замин яратди. Бу турга кирувчи ҳужжатлар ичида БМТнинг Европа учун Иқтисодий Комиссияси етакчилигида 1961 йил апрелда Женевада қабул қилинган "Ташқи савдо арбитражи тўғрисидаги Европа конвенцияси" алоҳида ўрин тутди. Унинг иштирокчилари қаторига 30 га яқин давлат киради.

Халқаро арбитраж органлари фаолиятига оид универсал халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қаторига 1965 йил 18 мартда Реконструкция ва ривожланиш Жаҳон Банки етакчилигида имзоланган "Давлатлар ва чет эл шахслари ўртасидаги инвестицион низоларни ҳал қилиш тўғрисидаги Вашингтон конвенцияси"ни ҳам киритиш мумкин².

¹ Ситарян С. А.. Международное частное право. М.: право-2009. – С. 78.

² Исламходжаев Х.С. Организационно-правовые аспекты вступления Республики Узбекистан во Всемирную торговую организацию. дис. на соиск. учен. степ. доктор. юр. наук. Ташкент. 2008. С 26.

Халқаро арбитраж судларининг фаолияти юқоридаги Регламентлардан ташқари тижорат арбитражлари тўғрисидаги миллий қонунлар билан ҳам тартибга солинади.

Ҳозирда халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги қонунлар бир катор мамлакатларда, жумладан, Австралия, Америка Қўшма Штатлари (Калифорния, Коннектикут, Орегон, Техас), Болгария, Венгрия, Канада, Кипр, Мексика, Миср, Перу, Россия, Украина, Финляндия, Чехияда мавжуд. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ушбу қонунларнинг кўпчилигини ишлаб чиқиш жараёнида 1985 йил ЮНСИТРАЛ томонидан тасдиқланган халқаро тижорат арбитражи тўғрисидаги "Намунавий Қонун" қоидалари қўлланилган¹.

Ўзбекистон Республикаси Фуқародик кодексининг 1159-моддасига биноан юридик тушунчалар низо кўриб чиқиладиган мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига номаълум бўлса ёки бошқа ном ёхуд бошқа мазмун билан маълум бўлса ва Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича талқин этиш орқали аниқланиши мумкин бўлмаса, уларга ҳуқуқий баҳо беришда чет давлат ҳуқуқи ҳам қўлланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Коллизион норма чет эл ҳуқуқий тизимида мурожаат қилишни тавия этса, суд ёки хўжалик суди олдида чет мамлакат қонунининг мазмунини қандай аниқлаш керак, деган савол пайдо бўлади. Бу масалани ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1160-моддаси биринчи қисмида белгиланган, унга кўра, чет эл ҳуқуқини қўллашда суд ёки бошқа давлат органи унинг нормалари мазмунини бу нормаларнинг тегишли хорижий мамлакатларда расмий талқин этилиши, қўлланиш амалиёти ва доктринасига мувофиқ аниқлайди. Ушбу норма, белгиланган ҳолларда чет эл ҳуқуқи ўз ватанида қандай қўлланилса, худди шундай қўлланиши лозим деган маънони англатади. Суд чет мамлакат ҳуқуқини ўз қонунларига ва ўз ҳуқуқий нормасига нисбатан қандай тартибда талқин қилса, худди шундай талқин қилиниши мумкин эмас. У нафақат тегишли қонун, балки бу қонуннинг суд амалиётида талқин қилиниш доирасига ҳам амал қилиши лозим. Бу ҳолда амалиёт ушбу

¹ Ситарян С. А. Международное частное право. М.: Право -2009. – С. 48.

мамлакатда ҳуқуқ манбаси ёки қўшимча манбаси ҳисобланишини ҳам назарда тутиш лозим¹.

Юқорида қайд қилинган масала нуқтаи назаридан Караганда, суд мамлакат коллизия нормаси ҳавола қилган тараф қонунини қўллаши зарур. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, суд қўлланиши лозим бўлган қонуннинг мазмунини аниқлаш учун тарафларни жалб этиши ҳам мумкин ёки ишда иштирок этаётган тараф чет эл ҳуқуқи мазмунини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этишга ҳақлидир.

Шунингдек, ушбу мақсадда суд экспертларни жалб қилиши ёки тушунтиришлар сўраб Адлия вазирлигига ёки бошқа миллий ваколатли органларига мурожаат қилиши ҳам мумкин (ФК 1160-модда). Суд томонидан чет мамлакат ҳуқуқи нормаларининг нотўғри қўлланиши қабул қилинган қарорни кассация тартибида бекор қилишга асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Агар ушбу моддага мувофиқ кўрилган чора-тадбирларга қарамай, чет мамлакат ҳуқуқи нормаларининг мазмуни керакли муддатларда аниқланмаса, у ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи қўлланилади.

Чет эл юридик шахслари иштирокидаги тадбиркорлик мақсадларида тузиладиган шартнома муносабатларига нисбатан қўлланиши лозим бўлган ҳуқуқни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, чет мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ тизимига ҳавола қилиш тартиб-қоидалари тўғрисидаги коллизия нормалар белгиланган. Бундай чет эл ҳуқуқига ёки орқага ҳавола этиш коллизия нормаларини татбиқ қилиш энг мураккаб масалалардан бири ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекс²ининг 1161-моддаси биринчи қисмига кўра, чет мамлакат ҳуқуқига ҳар қандай ҳавола этиш тегишли мамлакатнинг коллизия ҳуқуқига эмас, балки моддий ҳуқуқига ҳавола этиш деб қаралиши лозим.

¹ Щебаров Н. Государственное регулирование: соотношение свободы торговли и протекционизма // Мировая экономика и международные отношения. – 2003. – С 66.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 2-сон.

Бизга маълумки, мамлакатимиз коллизия нормаларининг моҳияти шундан иборатки, биз кўриб чиқаётган муаммода бирон-бир ташқи иқтисодий шартномани тартибга солишда Ўзбекистон ёки хорижий давлат ҳуқуқий тизимига ҳавола қилинади. Чет мамлакат ҳуқуқига ҳавола қилиш чоғида қуйидагича савол туғилади; чет эл ҳуқуқининг фақат моддий нормалари қўлланиши керакми ёки ўз ичига коллизия нормаларни ҳам олган бутун бошли қонунчилик қўлланиладими? Чет мамлакат қонунига ҳавола этувчи коллизия норма боғланиши маълум салбий хусусиятларга эга.

Ушбу ҳавола этиш умумий тусга эга бўлиб, номуайян доирадаги чет эл қонунларини қўллаш имкониятини белгилайди. Натижада эса коллизия норма таркибида мамлакат ҳуқуқи суд ёки арбитражнинг асосий тамойилларига зид бўлган нормалар мавжуд бўлган мамлакат қонунига ҳавола этилиши мумкин. Айтиш керакки, чет мамлакат ҳуқуқини қўллашдан воз кечиш фақатгина маълум хорижий давлатнинг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизими билан Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий, сиёсий ёки иқтисодий тизими ўртасидаги фарқланишга асосланиши ҳам мумкин эмас, албатта.

Турли давлатларнинг ташкилот ва фирма вакиллари, контрактлар тузаётганда ишнинг судда эмас балки арбитражда кўриб чиқилиши, арбитражга мурожаат қилишда эмас балки тарафларнинг ўзаро келишуви билан низонинг олдини олиш афзалроқ деб ҳисоблашади. Лекин низоларнинг олдини олиш, вужудга келган низони ўзаро келишув билан ҳал этиш имконияти ҳар доим хдм бўлавермайди. Шунинг учун ҳам битим тузилаётганда вужудга келиши эҳтимоли бўлган низони объектив ҳал қилишни кафолатлайдиган шароитнинг тузилиши катта аҳамиятга эга бўлиб қолади.

Миллий ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг фирмалари билан тузилган контрактларнинг кўпчилигида низоларнинг арбитраж тартибида кўриб чиқилиши назарда тутилган. Ҳакамлик суди - тарафлар келишуви бўйича иқтисодий (фуқаролик) низоларни кўриб чиқадиган нодавлат ташкилотдир. Ҳакамлик суди ваколатлари ҳам тарафларнинг келишуви бўйича белгиланади.

Тарафлар ишни ҳакамлик судига ўтказган вақтида, унинг қарорларига бўйсуниб мажбуриятларини ўз зиммаларига оладилар.

Ҳакамлик судлари доимий равишда фаолият кўрсатувчи ва конкрет бир низони кўриб чиқиш учун тузилган бўлиши мумкин.

Аниқ низони кўриб чиқиш учун ҳакамлик судлари томонлар тарафидан тузилади. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари Савдо палаталари, биржа, бошқа юридик шахслар томонидан тузилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки савдо низоларнинг ҳал қилиниш аҳамияти ҳозирги кунда ҳар доимгидан ҳам муҳим ҳисобланади. Чунки бу барча иштирокчилар ўртасидаги ишончни ҳам билдиради. Ҳар бир давлатнинг ривожланиши эса унинг қай даражада мажбуриятларини бажараётганлиги билан ҳам боғлиқдир. Шундай экан МДҲ доирасида савдо низоларни ҳал этишда халқаро арбитражларнинг ва МДҲ Иқтисодий Суди томонидан ҳал қилишдан кўра томонлар ўзаро музокара орқали тинч йўл билан бир ечимга келишса икки томон учун ҳам фойдали бўлади. Биринчидан энг қимматли бўлмиш вақтлари тежаллади чунки суд жараёни йиллаб ҳам давом этиш мумкин. Иккинчидан судларга бож тўланмайди ва бу уларга молиялари тежаллади. Ҳамда томонлар келажакда бир бирларига ишонч мустаҳкамланади.

III БОБ. МДХ ДОИРАСИДА ХАЛҚАРО САВДО МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИНИШИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1. МДХ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро савдо муносабатларини ривожлантиришда халқаро ташкилотларнинг ўрни

МДХ давлатларининг савдо муносабатларини ривожлантиришда хусусан Ўзбекистон Республикасининг савдо муносабатларини ривожлантиришда Европа Иттифоқи, Жаҳон Савдо Ташкилоти, Евроосиё иқтисодий иттифоқи каби халқаро ташкилотларнинг ўрни каттадир.

Ушбу параграфда биз МДХ давлатлари хусусан Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиш ёки бўлмаслигининг ижобий ва салбий томонларини кўриб чиқамиз.

Шунингдек, МДХ давлат бошлиқлари Кенгашининг 2007 йилнинг 5 октябрда “Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг келажакдаги ривожлантириш тўғрисидаги Концепция ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар Дастури ҳақида”ги Қарор ¹ қабул қилинган бўлиб, ушбу Концепциянинг Ҳамдўстликнинг асосий мақсадлари бўлимининг 2.3. бандининг олтинчи хатбошида “МДХга иштирокчи-давлатларни ҳар бирини Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишда кўмаклашиш” деб белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, юқоридаги Концепциянинг тўртинчи бўлимида Ҳамдўстлигининг утувор йўналишлари белгиланган бўлиб, 4.1. бандининг иккинчи хатбошига асосан МДХда ягона иқтисодий макон ва эркин савдо зона ташкил этишда ЖСТнинг тамойиллари, нормалари ва қоидаларидан фойдаланиши белгилаб қўйилган. Шунинг учун ҳам ўйлаймизки Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиш бўлмаслигини таҳлил қилсак мақсадга мувофиқ бўлади.

МДХ ташкилотига аъзо давлатларнинг кўпчилиги ЖСТга аъзодир. Ҳозирги кунда МДХ давлатларидан 1998 йил 20 декабрда Қирғизистон Республикаси ЖСТнинг 133-чи аъзоси бўлиб, 2001 йил 26 июлда Молдова

¹ Решением Совета глав государств Содружества Независимых Государств “О Концепции дальнейшего развития Содружества Независимых Государств и Плана основных мероприятий по ее реализации” от 5 октября 2007 года. М: 2007. Газета Народное слово.

Республикаси ЖСТнинг 142-чи аъзоси бўлиб, 2003 йил 5 февралда Арманистон Республикаси ЖСТнинг 145-чи аъзоси бўлиб, 2008 йил 16 майда Украина ЖСТнинг 152-чи аъзоси бўлиб, 2012 йил 22 августда Россия Федерацияси ЖСТнинг 156-чи аъзоси бўлиб, 2013 йил 2 мартда Тожикистон Республикаси ЖСТнинг 159-чи аъзоси бўлиб, 2015 йил 27 июлда Қозоғистон Республикаси ЖСТнинг 162-чи аъзоси бўлиб кирган¹. МДХ давлатларидан фақатгина Ўзбекистон, Туркменистон, Азарбайжон ва Беларусия давлатлари Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо эмаслар.

Ўзбекистон мустиқил ривожланишнинг 24 йили мобайнида қирқга яқин халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Бундай ташкилотлар жумласига халқаро молия қорхонаси, жаҳон банки гуруҳига қирувчи бир қанча ташкилотлар ва Бреттон вудс тизимидаги кўплаб институтларни қиритиш мумкин.

Савдо ва тарифлар бўйича бош қелишув (ГАТТ) халқаро савдонинг бож тариф жихатларини тартибга солувчи энг муҳим тузилмадир. Президентимиз И.А. Каримов айтганларидек “Бутунжаҳон савдо ташкилоти жаҳон савдосининг ҳозирги тизимини бошқаришда марказий ўринни эгаллаб турибди”². Савдо ва тарифлар бўйича бош қелишув (ГАТТ) 1948 йил 1 январдан бошлаб фаолият кўрсата бориб давлатлараро товар айланмаси ҳажмини кенгайтириш мақсадида халқаро савдонинг барқарор фойдаларини қарор топтириш энг асосий қондаси дискриминация қилмаслик тамойилидир. Энг кўп қулайлик бериш иштирокчи давлатлар ўзаро етказиб бераётган товарларга нисбатан ҳар қандай учинчи томон товарларига нисбатан қўлланилаётган бож ставкаларидан юқори бўлмаган бож ставкаларини қўллаш мажбуриятини билдиради. Лекин бу тезис махсус интеграцион гуруҳлар ташкил этилган ҳолларда ундан чекинишга рухсат беради³.

¹ https://www.wto.org/english/thewto_e/what_is_e/tif_e/org_e.html

² Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2010 й. 16 феврал.

³ Исламходжаев Х.С. Организационно-правовые аспекты вступления Республики Узбекистан во Всемирную торговую организацию. дис. на соиск. учен. степ. доктор. юр. наук. Ташкент. 2008. С 76.

Савдо ва тарифлар буйича бош келишувнинг (ГАТТ) асосий тамойиллари қарорларни қабул қилиш ва чора тадбирларни амалга ошириш. Бу энг аввало бир тарафлама ҳаракатларни ўзаро музокаралар ва маслаҳатлар фойдасига воз кечишдир.

Иштирокчи давлатлар ташқи савдони чеклашга қаратилган бир тарафлама тадбирларни амалга оширмаслик мажбуриятини оладилар. Барча қарорлар фақатгина савдо масаласига қаратилган ўзаро музокаралар доирасида қабул қилинади.

Савдо ва тарифлар буйича бош келишув (ГАТТ) Бутунжаҳон савдо ташкилоти (ВТО) ўз фаолиятини кўп томонлама давра учрашувларини ташкил этиш орқали ўтказди. Ҳар бир давра учрашуви халқаро савдони ривожлантиришга қаратилган маълум бир глобал масалани ечишга қаратилган бўлади. Бутунжаҳон савдо ташкилоти ташкил этилгандан бери ўтган давр ичида шундай давра учрашувларидан 8 таси ўтказилди. Мисол учун биринчи давра учрашуви 1947 йили Женева шаҳрида ташкил этилиб, бу учрашувда бож тарифларини пасайтириш масаласи ҳал қилинди. Иккинчи учрашув ана шу масалани ҳал қилишни давом эттиришга қаратилган бўлиб, Франциянинг Аннесия шаҳрида 1949 йил бўлиб ўтди. Бож тарифларини пасайтириш масаласи шу ташкилотга аъзо бўлган мамлакатларни ташқи савдоси учун долзарб масалалардан бири бўлгани учун ҳали бу масалани ечиш ГАТТнинг кейинги раундларида ҳам давом эттирилган. Хусусан 1950 йили Англиянинг Токки шаҳридаги раундида, 1956 йили Женева шаҳридаги раундда 1960-1961 йиллардаги Женевадаги Диллонд раундларида шу масала ҳал қилинди¹.

Бутунжаҳон савдо ташкилотининг 1964-1967 йилларда Женева шаҳрида бўлиб ўтган Кеннеди раундида демпингга қарши бож кодекси ишлаб чиқилди. 1973-1979 йилларда Токиода бошланган ва Женевада давом эттирилган Токио раундида эса нотариф тўсиқлар масаласида ГАТТ ваколатларини кучайтириш ва кенгайтириш масаласи кўрилган. Ва ниҳоят 1986 йилда Уругвай

¹ Исламходжаев Х.С. Организационно-правовые аспекты вступления Республики Узбекистан во Всемирную торговую организацию. дис. на соиск. учен. степ. доктор. юр. наук.Ташкент.2008. С 58.

мамлакатини Пунтадел Эсте шахрида бошланиб Женева шахрида давом эттирилган Уругвай раундида бож тўсиқларини камайтириш, ГАТТ механизмини яхшилаш, Бутунжаҳон савдо ташкилотини тузиш хакида келишув хизматлар савдоси бўйича бош келишув (ГАТС) ишлаб чиқилган.

2015 йил ҳолати бўйича Бутунжаҳон савдо ташкилотига 159 та мамлакатлар тўлақонли аъзо бўлган. Бунга қўшимча, 30 дан ортиқ мамлакатлар кузатувчи мақомидан фойдаланиб, шуларнинг 30 га яқини Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишнинг турли босқичларида турибди¹.

Ўзбекистон Республикаси ҳам 1994 йилнинг июл ойида Бутунжаҳон савдо ташкилотига қўшилиш истагини билдириб, унинг Женевадаги котибиятига ёзма мурожаат этди ва шу йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси шу ташкилотда кузатувчи мақомидан фойдаланиб келмоқда.

Ва ниҳоят 1998 йилнинг сентябр ойида Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон савдо ташкилотига ўзининг савдо режими тўғрисидаги меморандумини топширди. Ҳозирги кунда бу меморандум ушбу ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар билан, хусусан Буюк Британия, АКШ томонидан ўрганилиб чиқилияпти.

Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши учун бу ташкилотнинг қуйидаги 15 та келишувида акс эттирилган мажбуриятларни бажариши лозим. Бу келишулар қуйидагилар:

1. Тариф ва савдо бўйича бош келишув
2. Хизмат савдоси бўйича бош келишув
3. Савдо билан боғлиқ интеллектуал мулк хусусиятлари аспектлари бўйича келишув
4. Савдодаги техник тўсиқлар бўйича келишув.
5. Савдо билан боғлиқ инвестицион шартлар бўйича келишув.
6. Товарларни божхона қийматини ҳисоблаб чиқариш бўйича келишув.
7. Демпингга қарши бож масалалари бўйича келишув.
8. Юкларни олди назорати бўйича келишув.

¹ http://wikipedia.org/wiki/Вступление_и_членство_в_ВТО

9. Товар ишлаб чиқарилган мамлакатни аниқлаш бўйича келишув.
10. Импортни товарларини лицензиялаш қоидалари бўйича келишув.
11. Субсидиялар ва компенсацион чоралар бўйича келишув.
12. Ҳимоя чоралари тўғрисидаги келишув ва бошқалар.

2002 йилнинг 17 июлида эса Швейцариянинг Женева шаҳрида Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиб кириши бўйича мажлиси бўлиб ўтди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо режими тўғрисидаги Меморандумининг янги таҳририни кўриб чиқилди. Мазкур мажлис натижалари бўйича бир қатор мамлакатлар томонидан Меморандум бўйича ёзма шарҳ ва саволномалар тақдим этилди. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиб кириши бўйича ишчи гуруҳининг биринчи мажлиси давомида келиб тушган саволномаларининг таҳлили шуни кўрсатадики, республикамизга қўйилган асосий талаблар аъзоликка давогар мамлакатлар қўйилган умумий талабларга тўлиқ мос келади¹.

Шунингдек, ҳозирги пайтда 2002 йилнинг 24 сентябрида Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиб кириши бўйича ташкил қилинган Ишчи гуруҳнинг иккинчи мажлисига тайёргарлик бўйича тасдиқланган чора тадбирлар режаси амалга оширилмокда ва Ишчи гуруҳи томонидан Ўзбекистоннинг ЖСТга кириши билан боғлиқ бўлган қуйидаги қўшимча маълумотлар тайёрланмокда: товарлар мавқеи бўйича тарифларни тушириб бориш юзасидан бошлангич маълумотлар; хизматлар савдоси соҳасидаги сиёсатини олиб бориш бўйича маълумотлар; хизматлар савдоси соҳасидаги махсус мажбуриятларнинг бошлангич рўйхатини тўзиш.

Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишни ўзига мақсад килиб қўйган мамлакат юқорида келтирилган келишувлардаги мажбуриятларни бажариш бўйича қуйидаги босқичлардан ўтиши лозим. Биринчи босқич далилларни ошкор этиш ёки уларни аниқлаш босқичи. Бу босқичда аъзо бўлаётган мамлакатдан Бутунжаҳон савдо ташкилоти келишувлари тартибга солаётган муносабатларни қамраб олаётган ўзининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 февралдаги 66-сонли қарори таҳририда.

савдо ва иқтисодиёт масалаларига алоқадор қонунларни, қоидаларни, амалиётини ва сиёсатини тўлиқ акс эттирилган “Ташқи иқтисодий режалари тўғрисидаги меморандум” ни Бутунжаҳон савдо ташкилотининг котибиятига тақдим қилиши талаб этилган.

Иккинчи босқич музокаралар босқичи, яъни бутунжаҳон савдо ташкилотининг ишчи гуруҳи қўшилаётган давлатнинг ташқи иқтисодий режаси хусусида бирон хулосага келгандан сўнг қўшилган давлат ёки бошқа исталган манфаатдор тараф ўртасидаги иккитарафлама музокаралар бошланади. Мазку музокаралар ички бозорга чет эл товарларини кириб келишига имконият яратиш ва бошқа шу каби вазифаларни амалга оширади¹.

Бу музокаралар иккитарафлама бўлишига қарамадан уларнинг натижасида қўшилаётган давлатлар ўз зиммасига олган мажбурият дискриминация қилмаслик принципига мувофиқ Бутунжаҳон савдо ташкилотининг бошқа давлатлар учун ҳам автоматик тарзда амал қилиб бу иккитарафлама музокаралар натижасидан бу халқаро ташкилотнинг бошқа аъзо давлатлари ҳам фойдаланадилар.

Учинчи босқич аъзолик шартларини келишиш босқичи. Бутунжаҳон савдо ташкилотининг ишчи гуруҳи далилларни аниқлаш жараёнини ва қўшилаётган мамлакатнинг қонунчилиги ва сиёсатини экспертизадан ўтказишни якунлаб иккитарафлама музокаралар ниҳоясига етгандан кейин бу ташкилотнинг ишчи гуруҳи қўшилаётган тарафнинг қўшилиш шартлари лойиҳасини ишлаб чиқади. Мазкур шартлар ишчи гуруҳи ҳисоботида бу ташкилотга қўшилиш келишуви лойиҳасида ва қўшилаётган тарафларнинг мажбуриятларида акс эттирилади.

Тўртинчи босқич қарор қабул қилиш босқичи. Ишчи гуруҳининг ҳисоботи баённома ва мажбуриятлар рўйхатидан иборат якуний хужжатлар тўплами бутунжаҳон савдо ташкилотининг бош кенгаши ёки министрлар конференциясида умумий овозлар сони +2/3 қисми овоз берса қўшилаётган тараф қўшилиш баённомасига имзо чекиб ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлади.

¹ Назарбаев И.И. Всемирная торговая организация. Право, экономика, политика., - М.:ВАНТ, 2008. – С. 346.

Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон савдо ташкилотига қўшилиши қуйидаги афзалликлар билан бевосита боғлиқдир:

Биринчидан, чет эл бозорларига чиқиш имкониятига эга бўлиш.

Иккинчидан, Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо мамлакатлар ўз зиммалариги олган мажбуриятлардан чекиниш имкониятлари чегараланганлиги сабабли аъзо мамлакатлар орасида нисбатан барқарор ташқи савдо муҳити қарор топади. Бу мамлакатнинг ташқи савдо сиёсати истикболларини ишлаб чиқиш учун қулай бўлиб унинг барқарорлигини оширади.

Учинчидан, Бутунжаҳон савдо ташкилоти қоидалар, субсидиялар, демпинг каби ташқи савдонинг нопок воситаларини тақиқлаб улардан химояланиш мақсадида тегишли чоралар кўриш имкониятини беради.

Тўртинчидан, Чет эл инвесторларига Ўзбекистон Республикасининг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзолиги уларнинг Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган ўз маҳсулотларини тўсиқларсиз жаҳон бозорига олиб чиқиш ва ўз фаолиятлари учун жаҳон бозоридан тўсиқсиз маҳсулот, асбоб ускуна ва технологияларни олиб кириш имкониятини яратади.

Бешинчидан, Чет эл бозорларига тўсиқсиз чиқиш имконияти Ўзбекистон Республикаси товар ва хизматларининг экспорти ҳажмини оширади ва ўз ўрнида истеъмолчиларнинг жаҳон бозоридаги арзон товарларга бўлган эҳтиёжини самаралироқ қондириш имкониятини беради.

Олтинчидан, низоларни ҳал этишнинг самарали йулига кириш. Яъни бирор бир мамлакат томонидан Бутунжаҳон савдо ташкилоти қоидалари бўзилиши оқибатида зарар кўрган ҳолда Ўзбекистон Республикаси бу ташкилотнинг низоларини ҳал этиш оралиғида низоларни адолатли ва самарали ҳал этиш имкониятига эга бўлади.

Еттинчидан, кўп томонлама савдо тизимига таъсир ўтказиш имкониятига эга бўлиш. Бу имконият Ўзбекистон Республикасининг Бутунжаҳон савдо ташкилоти доирасида ўтказилган кўптарофлама савдо музокараларида иштирок этиб ўз манфаатларини ифода этиш имкониятидан келиб чиқади.

Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлиш анча узок ва мураккаб жараён бўлиб, уч босқичдан иборат. Унинг биринчи босқичида даъвогар мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ЖСТ га кузатиш мақомини қўлга киритиш учун ариза топширсалар, иккинчи босқичда ташкилотга тенг ҳукукли аъзо бўлиб кириш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этадилар. Аъзо бўлиш жараёнинг ушбу босқичи ҳукуматлар томонидан ЖСТ га махсус Меморандумнинг тақдим этилишини назарда тутди.

Меморандумда мамлакатларнинг ЖСТ битими талаблари доирасидаги савдо иқтисодий сиёсатига тегишли асосий жиҳатлар ўз аксини топади. Айнан шу орқали мамлакатларнинг аъзоликка даъвогарлик шартлари атрофлича ўрганилиб чиқилади. Учинчи босқичда эса мамлакатларнинг ЖСТ га аъзо бўлиб кириш бўйича махсус ишчи гуруҳи ташкил этилади. Ишчи гуруҳ мажлисларида даъвогар мамлакатлар маълум бир товарлар ва хизматлар турлари бўйича берилиши мумкин бўлган имтиёзлар ва мажбуриятлар хусусида ЖСТ га аъзо мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама музокаралар олиб борадилар¹.

Музокаралар жараёнида ўрнатилган тартибларнинг амалда ижро этилиши мамлакатлар учун мажбурий ҳисобланади ва уларнинг истаган вақтда ўзгартирилиши ман этилади. Аъзоликка даъвогар мамлакатларнинг савдо режимларини ўрганиш ва уни бозорга кириб бориш тўғрисидаги музокаралар ўз яқунига етгандан сўнг, ишчи гуруҳи томонидан аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги асосий шарт шароитлар ишлаб чиқилади.

Мажлис натижаларига кура, махсус баённома тайёрланади ва у бош йигин ёки вазирлар Конференциясида ЖСТ аъзоларининг 2/3 қисми томонидан қўллаб – қувватлангани билан тақдирдагина имзоланган ва тасдиқланган деб ҳисобланади. Мамлакатлар ЖСТга аъзо бўлганларидан сўнг, Уругвай раунди доирасида имзоланган битимларнинг барчасини қабул қилишлари ва уни амалга оширишлари шарт ҳисобланади.

¹ Макогон Ю.В., Миронов В.С., Бударина Н.А. Международная экономика: Учебное пособие. Под ред. Макогона Ю.В. – Донецк: 2011. – С.16

2003 йилнинг 10-14 сентябр кунлари Мексиканинг Канкун шаҳрида бўлиб ўтган ЖСТ нинг беш вазирлар Конференциясида 148 мамлакат савдо вазирлари ўртасида юзага келган ҳар-хил келишмовчиликлар сабаб, жаҳон савдо тизимини янада эркинлаштириш борасида ҳал қилиниши лозим бўлган ушбу масалалар ўз ечимини топа олмади. Бирок мазкур вазият ЖСТ нинг халқаро майдондаги нуфузига таъсир қарата олмади, албатта. Чунки, бу тизим мамлакатлар учун маълум бир устунликлар ва шарт – шароитларни юзага келтириши табиийдир¹.

ЖСТ тизимининг устунликлари, унда йирик савдогар давлатларнинг аъзо бўлганликлари эмас, балки унинг эркин товар алманишуви жараёнида мамлакатлар учун турфа хил иқтисодий манфаатдорликни таъминлаши билан изоҳланади. Бу тизим аъзо мамлакатлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволга, шунингдек фуқаролар фаровонлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. ЖСТ савдо ташкилоти тизими мамлакатлар сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий аҳволда, шунингдек алоҳида фуқаролар ва умуман жаҳон ҳамжамияти доирасида ўз устунликларини намоён этади.

Хусусан, ЖСТнинг истеъмолчилар манфаати ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришдаги роли шу билан изоҳланадики, бунда эркин савдо тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, халқаро савдодаги протекция тўсиқлари минимал даражага камайтирилиб борилади. Ташкилотнинг 50 йиллик фаолияти давомида савдодаги тўсиқлар бутун дунё микёсида бир неча баробарга камайтирилди. Бунинг натижасида, нафақат импорт қилинадиган тайёр маҳсулотлар ва хизматлар баҳоланишининг баҳоланишининг пасайиши, балки импорт қилинадиган тайёр маҳсулотлар ва хом ашёлар ва бутловчи қисмлар ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳаллий товарлар нархларининг ҳам арзонлашиши кузатилади.

Фикримизча, маҳаллий бозорларни ҳимоя қилиш мақсадида, давлат томонидан импорт тарифлари, миқдорий чекловлар ва ишлаб чиқариш

¹ Макогон Ю.В., Миронов В.С., Бударина Н.А. Международная экономика: Учебное пособие. Под ред. Макогона Ю.В. – Донецк: 2011. – С.34

сохаларини субсидиялаш сингари маъмурий – иқтисодий дастакларининг меъёридан ортикча қўлланилиши, охир - оқибатида кутилган ижобий натижаларга эмас, балки кишилар фаровонлиги натижаларини пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Хусусан, айрим стратегик маълумотларга караганда, тўқимачилик маҳсулотлари импортига қўйилган савдо чекловлари оқибатида Буюк Британия истеъмолчиларининг кийим-кечаклар учун йилига қўшимча 500 млн. фунт стерлинг миқдоридаги ошиқча маблағлар сарф қилинганлиги қайд этилди. Айни пайтда, бу кўрсаткич кундалик истеъмолчилар учун тахминан 780 млн. канада доллариға тенг бўлган. Европа Иттифоқида эса телекоммуникация соҳасининг эркинлаштирилиши натижасида баҳоларнинг ўртача 7-10 фоизга камайганлиги кузатилган. 2005 йилда ЖСТ доирасида тўқимачилик маҳсулотлари ва кийим-кечаклар савдоси бўйича амалга оширилиши мўлжалланган ислохотлардан кўзланган бош мақсад ҳам, айнан шу хилдаги маҳсулотлар импортига қўйилган чекловларни мувофиқлаштиришга қаратилган¹.

Фикримизча, ЖСТ тамойилларига асосланган эркин савдо тизимининг устунликлари яна шу билан изоҳланадики, бунда истеъмолчилар учун товар ва хизматларга бўлган танлов имкониятлари кенгаяди. Чунки, тайёр хорижий маҳсулотлардан ташқари, импорт қилинадиган хом ашёлар, бутловчи қисмлар ва жиҳозлар баҳоларининг арзонлашиши ҳисобига ишлаб чиқариладиган маҳаллий товар ва хизматлар турлари ҳам кўпайиб боради. Импорт рақобати таъсирида маҳаллий ишлаб чиқариш максимал даражада ривожланади ва ички баҳоларнинг пасайишига билвосита таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатида ҳам ижобий узгаришлар кузатилади. Товарлар алмашинуви жараёнининг фаоллашуви эса инновациянинг ривожланишига сабаб бўлади.

Маҳаллий маҳсулотлар экспорти таркибида миқдор ва сифат ўзгаришларининг кузатилиши натижасида ишлаб чиқарувчиларнинг катъий

¹ www.wto.org/english/res_e/statis_e/statis

валютадаги даромади ортади. Бунинг натижасида, хазинага келиб тушадиган соликлар миқдори ҳам ўз-ўзидан ортади ва пировард натижада, аҳолии фаровонлиги юксалиши кузатилади.

Эркин савдо тизимининг истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар ва мамлакат иқтисодиётига таъсирини аниқ далилларга таяниб асослаб бериш қийин, албатта. Хусусан, савдо тўсиқларини камайтириш орқали товарлар ва хизматлар халқаро алмашинувини кенгайтириб бориш, нафақат давлат даромадларининг, балки хусусий сектор даромадларининг ҳам ошишига сабаб бўлиши мумкин. Шунингдек, халқаро амалиётда Уругвай раундида асосланган ҳолда халқаро савдо шартномалари янгича тизимнинг амалиётга жорий этилиши натижасида жаҳон даромадининг 109 млрд. доллардан 510 млрд. долларга кўпайганлиги қайд этилади¹.

Чунки, ҳар қандай мамлакатда салоҳиятли экспортчилар фаолиятининг самарали ташкил этилиши, давлат даромадларини бир неча баробарга юксалтириб, уларнинг қайта тақсимланиши, кучли хорижий рақобатга дуч келадиган маҳаллий компанияларни қўллаб-қувватлаш, соҳалар рақобатбардошлигини ошириш, янгича ишлаб чиқариш қувватларини вужудга келтириш ва ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш имконини беради.

Савдонинг ривожланиши, узоқ муддатли истиқболларда, асосан, иқтисодиётнинг экспортга соҳаларда бандликни ошириб боришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, мамлакатга капиталнинг, хусусан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг оқиб келиши натижасида қўшимча иш ўринлари яратилди. Шунингдек, қисқа муддатли истиқболларда маҳаллий корхоналарнинг амалда чеклаб бўлмайдиган хорижий рақобат билан тўқнаш келиши натижада мавжуд иш ўринларининг йукотилишига ҳам сабаб бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Фикримизча, жаҳон мамлакатлари томонидан протекционизим сиёсатининг фаол қўлланиши, бу муаммони янада чигаллаштирди. Чунки,

¹ Зиядуллаев Н. Экономика стран Содружества в условиях глобализации // Вопросы экономики. – 2002. – №3. С. 54.

савдо тўсиқларининг ноўрин қўлланилиши оқибатида ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳаллий маҳсулотлар сифатида кескин пасайиш аломатлари кузатилиши мумкин. Импортни чеклаш жараёнида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар баҳосининг ортиб бориши сотув ҳажмига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бунинг натижасида эса мавжуд иш ўринлари қисқариб боради. Айнан шундай ҳолат ўтган асрнинг 80-йилларида Япония автомобиллари импортига катъий чекловларнинг ўрнатилиши сабабли, АҚШ да кузатилган эди. Бугунги кунда АҚШнинг экспорт тармоқларида камида 12 миллионга яқин ишчи банд бўлиб, бунга карама-қарши ўларок, Европа Иттифоқи бозорларининг эркинлаштирилиши оқибатида, ҳамжамиятга аъзо мамлакатларда қўшимча 300 мингга яқин иш ўринлари яратилди¹.

Бизнингча ҳимоя чораларининг ақл-идрок билан қўлланилиши ва қўшимча давлат даромадларини шакиллантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ҳар қандай мамлакатда савдони эркинлаштириш жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этишнинг муҳим омили бўла олади. ЖСТ тамойиллирининг амалда қўлланилиши, шунингдек амалдаги божхона тўловлари ва бошқа савдо тўсиқлари тизимини соддалаштириш ҳам давлат ташқи иқтисодий фаолияти самарадорлигини оширишда кутилган натижаларга олиб келиши мумкин. Чунки, дахилсизлик ва иқтисодиётни очиклиги, устувор савдо шароитларини белгилаб олиниши ва уларнинг соддалаштирилиши ҳамкорлар эътиборини тортади. Шунингдек, мавжуд корхоналар харажатларининг камайиши ва савдо ҳамда инвестициялар учун қулай муҳитнинг яратилиши, мамлакат товар айланмаси ҳажмининг ошишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ЖСТга аъзо бўлиб киришни жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашувнинг асосий шаклларида бири сифатида қараб келмоқда ва мазкур ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириш борасида дадил қадамлар ташланмоқда. ЖСТга аъзо бўлиб кириш мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатининг энг устивор

¹ Гулямов С.С., Халқаро савдо ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент Шарқ. 2002. 319-Б.

йўналишларидан бирига айланиб бормокда. Халқаро тажрибага мувофиқ, ЖСТга аъзо бўлиш узоқ муддатли истикболларда ҳар қандай миллий иқтисодиёт ривожига ижобий таъсир кўрсатади, бироқ қисқа муддатли истикболларда у миллий хўжалик тараққиёти учун айрим муаммоларни ҳам юзага келтириш мумкин. Экспортни рағбатлантирувчи сиёсат олиб борадиган мамлакатлар ЖСТга аъзо бўлишдан нафақат узоқ муддатли истикболларда, балки қисқа муддатли истикболларда ҳам катта фойда кўрадилар¹.

Бунга қарама қарши ўлароқ, импорт ўрнини босувчи сиёсат олиб борувчи мамлакатлар ЖСТга аъзо бўлишдан узоқ муддатли истикболларда манфаат кўрсаларда, қисқа муддатли истикболларда улар иқтисодий жиҳатдан маълум даражада зарур кўришлари ҳам мумкиндир. Шу сабабли, халқ хўжалиги миқёсида эришиладиган фойда ва кутилиши мумкин бўлган зарарларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил этиш ва иқтисодий жиҳатдан баҳолаш Жаҳон савдо ташкилотига иштирок этишнинг дастлабки босқичларда ўта муҳим ҳисобланади. Айни пайтда, ЖСТга аъзо бўлишнинг миллий иқтисодиётга, шунингдек, алоҳида тармоқларига бўладиган таъсирини баҳоламасдан туриб, халқаро савдони мувофиқлаштириб турувчи мазкур ташкилотда аъзо бўлиши учун зарур бўлган катъии чора тадбирларни ишлаб чиқиш кийин, албатта.

Хусусан, МДҲ доирасидаги ЖСТга аъзо бўлиб кирган айрим мамлакатларда халқаро савдо ривожланишини ва кутилиши мумкин бўлган тезкор иқтисодий ўсиш ҳолатларининг аниқ кўзга ташланмаётганлиги кузатилмокда. Шунингдек, ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатлар учун ЖСТга аъзо бўлиш жараёнида очиклик даражасининг ортиб бориши, амалга оширилиши зарур бўлган иқтисодий ислохотларни тезлаштиради ва ўз навбатида, бозор таркибий ўзгаришларининг истикболи учун зарурий кафолат бўлиб ҳисобланади. Бошқа бир томондан эса, баҳолар ўзгаришга барҳам бериш ва мамлакатдаги чекланган ресурслардан оқилона фойдаланиши ва уларни самарали тақсимлаш имконияти юзага келади.

¹ Зиядуллаев Н. Экономика стран Содружества в условиях глобализации // Вопросы экономики. – 2012. – №3. С. 48.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасининг ЖСТга аъзо бўлиб кириши мамлакат ҳукумати ва олиб борилаётган иқтисодий сиёсатга жаҳон ҳамжамияти ва салоҳиятли инвесторлар ишончини янада оширади ва савдонинг ривожланиши, инвестициялар оқимининг кўпайиши, шунингдек, тезкор иқтисодий ўсишни таъминлаш имконини беради. Иқтисодиётни имконият даражасида қайта кўриш, тармоқларнинг қўшилган қиймати яратиши билан боғлиқ юксак тараққиёт даражасини таъминлаш, ЖСТга аъзо мамлакатлар бозорларига кириб боришнинг муҳим кафолати бўлиб ҳисобланади.

3.2. МДХ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро савдо тизимини ҳуқуқий тартибга солинишини такомиллаштириш истиқболлари

Ҳозирги шароитда ташқи иқтисодий фаолият бошқа ҳар қандай иқтисодий фаолият каби маълум тартибланишга муҳтождир. Турли мамлакатлар ўртасида ўзаро иқтисодий боғлиқликнинг кучайиши ва дунё бозорида рақобатнинг кескинлашуви, жаҳон иқтисодиётида трансмиллий корпорациялар ролининг ошиши, валюта курсларининг барқарор эмаслиги, тўлов балансларининг тақчиллиги, ривожланаётган мамлакатлар қарзларининг янада ўсиши ва ҳозирги замон иқтисодий муносабатлари ривожланишининг бошқа хусусиятлари уларни нафақат алоҳида давлатлар даражасида, балки иқтисодий ташкилотлар даражасида ҳам тартибга солиш зарурлигини белгилади.

МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришда авваламбор, ташқи иқтисодий алоқаларни давлат томонидан тартибга солиш - бозор муносабатлари шаклланиши шароитида сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар самараси ва динамикасини ошириш мақсадида ҳар бир иштирокчи мамлакат ички ва ташқи иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган, жумладан, ташқи иқтисодий мувозанатни таъминлаш, экспорт ва импорт таркибида илғор силжишларни рағбатлантириш, хорижий капитал оқимини кучайтиришга йўналтирилган

ваколатли давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган қонунчилик, ижроия назорат қилиш тусидаги чора-тадбирларни янада ривожлантириши керак.

Ташқи иқтисодий фаолиятнинг муҳим шаклларида бири – ташқи савдо бўлиб, уни тўғри режалаштириш, ташкил этиш, бошқариш ва амалга ошириш, аниқлигига эришиш учун таснифлаш лозим. *Таснифлаш* деганда халқаро тижорат келишувини олди-сотти ва товар алмашиш келишувларига ажратишни тушуниш мумкин. Бу тасниф олди-сотти келишувларида сотувчи (ташқи савдо келишувларида экспортчи деб аталади) келишув объекти бўлган товарни келишувнинг бевосита қатнашчиси бўлган харидорга (ташқи савдо келишувларида импортчи деб аталади) қандайдир пул суммасини тўлаш мажбуриятини олган тақдирда, бериш мажбуриятини олади, товар алмашиш келишувларида эса бир товар келишув турига боғлиқ шартларга риоя қилинган тарзда иккинчисига алмаштирилади. Табиийки, олди-сотти ва товар алмаштириш тўғрисидаги келишувларда товарни чет элга олиб кетиш (экспорт) ёки чет элдан олиб келиш (импорт) бўлади.

Халқаро савдода реэкспорт ва реимпорт тушунчалари ҳам мавжуддир. Реэкспорт операциялари мамлакатга олдин олиб кирилган товарларни қайта ишловсиз олиб кетиш ва сотишни назарда тутди. Товарларни ўзига олиб келган ва кейин учинчи мамлакатга олиб чиққан мамлакат (ёки ундаги тадбиркорлик фаолияти субъектлари) реэкспортчи деб аталади. Реэкспорт операциялари реэкспортчи билан икки ташқи савдо шартномасининг тузилишини назарда тутди. Биринчи шартномага кўра, у товарни сотиб олади, иккинчисига кўра эса сотади¹.

Реэкспортчи битимларининг энг асосий шарти шуки, реэкспортчи товарларни қайта ишлашга йўл қўймайди, тузилиши ва дизайнига ҳеч қандай ўзгартириш киритмайди. Реэкспорт операциялари асосан охириги импортчининг буюртмасига биноан амалга оширилади. Агар у экспортчи мамлакат бозорига чиқа олмаса ва бу чиқиш учун харажатларни ҳоҳламаса, унга экспортчи билан

¹ Гулямов С.С., Халқаро савдо ҳукуқи. Дарслик. Тошкент Шарқ. 2002. 39-Б.

яхши алоқада бўлган реэкспортчига мурожаат қилиш осонроқ, балки реэкспортчи охирги импортчи олдидаги қандайдир бошқа мажбуриятлар учун унга сотувнинг фойдалироқ шартларини таклиф этиши мумкин. Баъзан алоҳида мамлакатларга нсибатан экспорт ёки импортни чекловчи савдо-сиёсий шароитлар реэкспорт операцияларига сабаб бўлади.

Агар сотувчи учинчи мамлакатда товарни сотиш ҳуқуқини чекламоқчи бўлса, одатда бу нарса ўз сотиш бозорлари манфаатини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлади, бу нарса олди-сотди шартномасида аниқ кўрсатилиши керак.

Реимпорт операциялари ўз моҳиятига кўра – амалга ошмаган экспорт операцияларидир, улар мамлакатга ундан олдин олиб кетилган товарларни қайта олиб келишни билдиради. Уларга харидор томонидан брак қилинган, аукционда сотилмаган, консигнацион омборлар орқали сотилмаган товарларнинг қайтариб келиши киради. Реимпорт операцияларининг асосий белгиларидан бири мамлакатда чиқарилган товарларнинг ўз мамлакати чегарасини икки марта, яъни олиб чиқишда ва олиб келишда кесиб ўтишидир. Кўргазма ва ярмаркадан қайтарилаётган товарлар реимпорт қилишга кирмайди.

Компенсация операцияларининг бартер операцияларидан фарқи шундаки, унда ҳар иккала томондан бир қанча товарлар алмашилади. “Конвертация қилинмайдиган сальдо” тушунчаси компенсация битимлари билан боғлиқдир¹.

Компенсация битимларини амалга ошириш механизми қуйидагича бўлади:

– ҳар бир контрагент товарларнинг иккита рўйхатини тайёрлайди: бирида у сотмоқчи бўлган товарлар рўйхати, иккинчисида эса у харид қилмоқчи бўлганлари кўрсатилади;

– учрашгач, контрагентлар товарлар рўйхатини муҳокама қилади ва натижада икки рўйхат аниқланади: биринчисида Дания фирмаси етказиб берадиган товарлар, иккинчисида эса ўзбек фирмаси етказиб берадиган товарлар кўрсатилади;

– товарлар рўйхатини келишгач, контрагент-томонлар рўйхатнинг ҳар бир банди бўйича баҳоларни келишиб оладилар;

¹ Гулямов С.С., Халқаро савдо ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент Шарқ. 2002. 79-б.

– етказиб бериш баҳоси ва бошқа шартларни келишгач, томонлар икки иловали шартномалар имзолайдилар: битта иловада Ўзбекистонга етказиб бериладиган товарлар рўйхати, иккинчиси эса – Данияга етказиб бериладиганлари бўлади. Иловаларда ҳар бир товар номи бўйича баҳо кўрсатилади, шартнома матнида эса ўзаро етказиб беришларнинг умумий суммаси берилади.

Охирги пайтда компенсация асосида кенг кўламли операциялар ривожланиб кетди. Бундай операцияларнинг моҳияти шундаки, бир мамлакат бошқа мамлакатнинг жиҳоз ва технологиясидан фойдаланиб, ўз ҳудудида масалан, ерида саноат объекти қуради. Бу объект қуриб ишга туширилгач, унинг маҳсулоти билан етказиб берилган жиҳоз ва технология учун ҳисоб-китоб қилади. Юқорида таърифланган оддий компенсация операцияларидан кенг кўламли операциялар қуйидагилар билан фарқ қилади:

– компенсация операциялари одатда маблағ жиҳатдан кам суммада бўлган пайтда, кенг кўламли операциялар юз минглаб, ҳатто миллионлаб доллар ҳажмида бўлиши мумкин;

- кенг кўламли операцияларга кредит (кредит бўлганда ҳам узоқ муддатли ва катта суммаларга) беришни амалга ошириш учун йирик банклар жалб этилади;

- одатда кенг кўламли операциялар тўғрисидаги битимдан олдин мамлакатлараро давлат даражасидаги битим имзоланади;

- одатда кенг кўламли операциялар узоқ муддатли хусусиятга эга бўлади (10 йилгача ва ундан ортиқ). Бундан ташқари объектнинг қуриб бўлиниши ва кредитлар тўлаб бўлингандан сўнг ҳам контрагентлар орасидаги муносабатлар ҳам давом этади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”¹ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар

¹ “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси”, 2000 йил, 5-6-сон, 148-модда.

билан амалга оширилади: ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунчилик негизини шакллантириш ва такомиллаштириш; валюта билан тартибга солиш; солиқ билан тартибга солиш; тариф ва нотаиф билан тартибга солиш; Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя этилиши учун махсус, компенсацион ва демпингга қарши чораларни қўллаш; ташқи савдо фаолиятини амалга ошириш тартибини белгилаш, шу жумладан миқдорий чекловлар ўрнатиш ҳамда товарларнинг айрим турлари экспорт ва импорт қилиниши устидан давлат монополиясини ўрнатиш; курул-яроғлар харбий техника, икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологияларга нибатан экспорт назоратини ўрнатиш; олиб кириладиган ва олиб чиқиладиган товарларни сертификатлаш; техникавий, фармакология, санитария, ветеринария, фитосанитария, экология стандартлари ва талабларини белгилаш; ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун имтиёзлар бериш. Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қонун ҳужжатларига мувофиқбошқача усулларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Мазкур қонуннинг ¹ 4-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш қўйидаги тамойилларга асосланади: ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги; ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг тенглиги; савдо-иқтисодий муносабатларни амалга оширишда камситишларга йўл қўймаслиги; ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан ўзаро манфаатдорлик; ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг давлат томонидан ҳимоя қилиниши.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий алоқаларини тартибга солиш икки томонлама ҳукумат келишувлари ҳамда қонун ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш иқтисодий (тарифли) ва маъмурий (нотаиф) усуллар ёрдамида амалга оширилади².

¹ "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси", 2000 йил, 5-6-сон, 148-модда.

² Г.Г.Назарова. "Халқаро иқтисодий муносабатлар" Тошкент. ТДИУ. 2005 йил. 16-бет.

Ташқи иқтисодий фаолиятни давлатлараро тартибга солиш халқаро иқтисодий ташкилотлар томонидан ишлаб чиқиладиган ва иштирокчи мамлакатлар манфаатларини таъминлашга, халқаро айирбошлашни рағбатлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга, умуман жаҳон хўжалигини барқарор бўлишига ва ривожланишига қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш демакдир. Ташқи иқтисодий фаолиятни алоҳида давлат даражасида, ҳам давлатлараро даражада тартибга солиш турли мамлакатлардаги шериклар ўртасида амалга ошириладиган иқтисодий операцияларга, битимларга турли хил усуллар, воситалар, йўл-йўриқлар ёрдамида таъсир этиш жараёнини акс эттиради. Халқаро иқтисодий алоқалар ривожлангани сари таъсир этиш усуллари ҳам такомиллашиб бормоқда.

Ҳар бир давлат учун барқарор иқтисодиётни таъминлаш энг асосий кўрсаткич ҳисобланади. Барқарор иқтисодиётни таъминлашда энг асосий бошқаруви сифатида эса мустаҳкам ҳуқуқий база шаклланган бўлиши лозим. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач ўзида мавжуд бўлган барча имкониятлардан фойдаланган ҳолда дунё бозорига чиқиш ва ўз иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида товарларни экспорт қилиш борасида ҳам муҳим қадамлар ташлади ва бу борадаги ҳуқуқий базани шакллантиришга киришди.

Товарларни экспорт қилишга оид ҳуқуқий базани таҳлил этадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикасида рўй берган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидан келиб чиқиб қуйидаги норматив ҳуқуқий актларни кўришимиз мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган пайтдан бошлаб токи 1997 йил 10 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 1871-сонли “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида экспорт амалга оширилган. Хусусан, 1991 йил 14 июнда «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди (Кейинчалик ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди). 1992 йил 24 июлда Ўзбекистон

Республикасини жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ташқи иқтисодий фаолиятни авж олдириш, қўшимча капитал маблағларни, республиканинг экспорт имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги ПФ 445-сонли фармони¹.

Айнан шу фармондан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки 1992 йилнинг 15 августидан бошлаб ҳамма турдаги битимлар ва операциялар учун республика ҳудудида валюта бозоридаги жорий курс асосида белгиланадиган чет эл валюталарининг ягона курсини жорий этиши белгиланди, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан миқдори белгиланадиган молларни экспорт қилишга лицензияларни ким ошди савдосида сотишни амалда жорий этиши амалиёти вужудга келди.

1993 йил 9 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 616-сонли “Бартер асосида амалга ошириладиган экспорт-импорт операциялари бўйича тартиб бузилишлари ва суиистеъмолликларга чек қўйиш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

Мазкур фармонини бажариш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 октябрдаги 520-сонли “Экспорт-импорт операцияларини бартер асосида амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди ва бартер асосида экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш ва бартер шартномалари бўйича чет эл валютасида олинган тушумларга солинадиган солиқни тўлаш тартиби ишлаб чиқилди².

1994 йил 20 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 837-сонли “Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назоратини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Фармон асосида “Экспорт-импорт операциялари бўйича валюта назорати тўғрисида”ги низом

¹ <http://www.lex.uz> - O'zbekiston qonun xujjatlari ma'lumotlar milliy bazasi.

тасдиқланди. Ушбу низом талабларига биноан, экспорт-импорт операциялари бўйича тўловларнинг асосий шакллари хужжатли аккредитивлар, банк жўнатмаси ва инкассо шаклида этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 28 августдаги “Экспорт-импорт операцияларини тартибга келтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 343-сон Қарори¹ билан экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда давлат ва Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида эркин алмаштириладиган валютада экспорт қилинадиган харидоргир товарлар рўйхати, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида, истисно тариқасида, бартер асосида экспорт қилинадиган товарлар рўйхати шакллантирилди.

1996 йил 20 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 1411-сонли “Экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинган бўлиб, фармон моҳиятидан келиб чиқиб, тайёр маҳсулот (хизматлар)нинг ташқи бозорларга кириб боришига кўмаклашиш, шунингдек экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарга кредит бериш механизмини яратиш мақсадида 1996 йил 1 апрелдан бошлаб товарларга уларнинг товар ишлаб чиқарувчилар томонидан чуқур ишланишига боғлиқ равишда божларининг табақалаштирилган таърифлари белгиланди, шунингдек, экспорт қилинадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун зарур техник-иқтисодий асослашлар мавжуд бўлган тақдирда уч йил муддатга махсус фоизсиз заёмлар бериш тавсия этилди.

1997 йил 10 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 1871-сонли “Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони Ўзбекистон Республикасида товарлар экспортини тартибга солишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Айнан ушбу фармон талабларидан келиб чиқиб, ташқи иқтисодий фаолиятни

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 5-сон.

янада эркинлаштириш, экспорт-импорт операциялари ва республика тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар экспортини рағбатлантириш мақсадида 1997 йил 1 ноябрдан бошлаб, барча турдаги товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти учун божхона божлари, шунингдек, махсус товарларни истисно қилган ҳолатда, товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини лицензиялаш тартиби бекор қилинди.

Бундан ташқари мазкур фармон билан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан бериладиган лицензиялар орқали экспорт-импорт қилиниши мумкин бўлган махсус товарлар рўйхати, имтиёзлар қўлланмасдан экспорт қилинадиган хомашёлар рўйхати, экспорт қилиниши тақиқланган ашёлар ва маҳсулотлар рўйхати тасдиқланди.

1997 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилиниб, унда экспорт билан боғлиқ бир қатор тушунчалар тавсифи берилди.

Кейинги асосий ТИФ тартибга солувчи ҳужжатлар 1997 йил охиридан 2004 йил 26 августгача, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Экспорт назорати тўғрисида”¹ги Қонуни қабул қилингунча бўлган даврни ичига олади.

1998 йил 31 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Товарлар экспортини рағбатлантириш ва импорт операцияларини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонларини бажариш юзасидан, шунингдек экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва сотишни рағбатлантириш, ташқи савдо ҳисобот тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 137-сонли “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори эълон қилинди. Унга кўра, 1998 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ 1871-сон Фармонида назарда тутилган имтиёзлар ва преференциялар бир қатор тузилмаларга тақдим этилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 25-26-сон, 223-модда.

Хўжалик юритувчи субъектларга “Ўздавстандарт” маркази ва ваколатли органлар томонидан сертификация қилинган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси лабораторияларида қўшимча равишда экспертизадан ўтказмасдан экспортга юклаб жўнатиш ҳуқуқи берилди¹.

Ўзбекистон Республикасининг экспорт имкониятларини ривожлантириш, товарлар ва хизматлар экспорти ҳажмини кўпайтириш, экспорт қилинадиган товарлар ва улар сотиладиган бозорлар номенклатурасини кенгайтириш мақсадида 1998 йил 12 мартда Вазирлар Маҳкамасининг 110-сонли “2010 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг экспорт имкониятларини ривожлантириш давлат дастури тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарор асосида эса “Ўзбекистон Республикасининг экспорт имкониятларини ривожлантириш давлат дастури” тасдиқланди.

2000 йил 26 майда “Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Қонуннинг асосий вазифалари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, унинг иқтисодий суверенитети ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий иқтисодиёт ривожини рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви учун шарт-шароитлар яратишдан иборат деб белгиланди.

2004 йил 26 августда Ўзбекистон Республикасининг “Экспорт назорати тўғрисида”ги қонуни қабул қилиниб, мазкур қонуннинг мақсади экспорт назорати соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат деб эътироф этилди. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда экспорт назоратини амалга ошириш орқали Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ялпи қирғин қуроли ва бошқа турдаги қурол-яроғларни тарқатмаслик соҳасидаги халқаро мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш асосий вазифа этиб белгиланди.

¹ Гулямов С.С., Раҳмонкулов Ҳ.Р. Халқаро савдо ҳуқуқи. Дарслик. Тошкент Шарқ. 2002. 319-б.

Ташқи иқтисодий алоқаларни кенг ривожлантириш ва чуқурлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш ва хорижий сармоядорларга ишончли кафолатларни таъминлаш, ташқи савдони янада эркинлаштириш, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчилари билан чет эл фирмалари ўртасидаги узоқ муддатли барқарор шериклик муносабатларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 июлдаги ПФ 3631-сонли “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”¹ги Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги этиб қайта ташкил қилинди.

Ташқи иқтисодий фаолият ва экспорт борасидаги мавжуд қонунчилик таҳлили шуни кўрсатадики, бу борадаги норматив ҳужжатларнинг аксарияти қонуности ҳужжатлари, яъни Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, идоравий ҳужжатлардан иборат. Бу билан изоҳланадики, ривожланаётган бозор иқтисодиёти шароитида қабул қилиниши, ўзгартирилиши ва такомиллаштирилиши бир мунча номураккаб бўлган бундай қонуности ҳужжатларининг мавжудлиги табиий ҳолат. Чунки иқтисодиёт кўрсаткичлари доимий равишда ўзгариб туради, экспорт имкониятлари ҳам даврий равишда ўзгариб боради.

Шу билан биргаликда экспорт борасидаги қонунчиликни такомиллаштириш ҳам зарурлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Хусусан, давлатнинг экспортни тартибга солишдаги иштироки, экспортда иштирок этувчи субъектлар мақоми, экспорт объектлари масаласига алоҳида тўхталиш лозим. Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, экспортга оид тизимлаштирилган қонунчилик заруриятидан келиб чиқиб “Ташқи иқтисодий фаолиятнинг давлат томонидан тартибга солиниши”, “Товарлар(ишлар, хизматлар) экспорти тўғрисидаги” қонунларнинг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

¹ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 28-29-сон, 206-модда.

Бугунги кунда Ўзбекистон дунёнинг 160 дан зиёд давлатлари билан ташқи савдо алоқаларини ўрнатган бўлиб уларнинг асосийлари Россия, Белорусия, Армения, Украина, Хитой, Швейцария, Жанубий Корея, Туркия, Германия, АҚШ ва Франция каби дунёнинг етакчи мамлакатларидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон экспортининг салмоқли қисми МДХ давлатларидан Россия Федерацияси ҳиссасига тўғри келади. Хусусан, Россия Федерацияси Божхона хизматининг берган маълумотларига кўра, мамлакатлар ўртасидаги товар айланмаси 2014 йил январ-сентябр ойлари учун 2784,0 млн. АҚШ долларини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2013 йилнинг шу даври учун 2,9% га кўпдир¹. Шунингдек, ташқи савдо географияси ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобига сифат жиҳатидан такомиллашмоқда. Хусусан, “Осиё йўлбарслари” деб ном олган Жанубий Корея, Сингапур, Тайван ва Гонконг бунда етакчи ўринларни эгаллайди.

Экспорт географиясини кенгайтириш ва товар таркибини диверсификациялаш мамлакат ташқи савдосида муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун эса жаҳон тажрибасидан фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон экспорт географиясининг товар таркибини такомиллаштиришнинг самарали илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда уни амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар тайёрлаш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Иқтисодий интеграциянинг ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратиб Президентимиз И.А.Каримов “Интеграция ҳақида гапирар эканмиз, манфаатлар бирикувининг хилма хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланамиз. Бунга шерикчилик ва ҳамкорлик қилишга интилаётган мамлакатларнинг бошланғич шарт-шароитлари турлича эканлиги сабабдир. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда-дунё миқёсида ва минтақа кўламида интеграция жараёнларида қатнашсада, аммо бир муҳим қоидага: бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка

¹ <http://www.bis.org> - Xalqaro to'lov bankining rasmiy veb-sahifasi.

амал қилади. Биз бир субъект билан шерикчиликни мустаҳкамланиши бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувиға олиб келишига қаршимиз. Шу сабабли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серқирра жараёндир”¹ деб алоҳида таъкидлаганлар.

Ўзбекистонга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажмини имкон даражасида дейиш қийин. Шу боис, хорижий инвестициялар салмоғини ошириш ва улар иштирокидаги корхоналар экспортини сезиларли даражага чиқариш зарур. Шунингдек, хорижлик инвесторларга имтиёзларда уларнинг импортининг экспортига нисбати кўзда тутилиб берилиши керак.

Фикримизча, Ўзбекистонда экспорт таркибини икки йўналишда такомиллаштирилмоқда. Биринчидан, экспорт географиясини кенгайтириш ва барқарорлаштириш. Иккинчидан, экспорт таркибини диверсификация қилиш ва унда юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар салмоғини ошириш лозим.

Ўзбекистонда экспорт салоҳиятини ошириш, уни Жаҳон савдосига кенг миқёсда олиб киришда бош преференциялар тизими алоҳида аҳамиятга эга. Жаҳон савдо ташкилоти, Европа Иттифоқи ва АҚШ преференциялар тизимлари режасида кўзланган асосий мақсадлар Ўзбекистон ташқи савдо мақсадлари истикболлари билан ҳамоҳангдир.

Ўзбекистон кўп йиллардан бери Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришга ҳаракат қилмоқда ва бунинг учун қатор ишларни амалга оширган. Биламизки, Жаҳон савдо ташкилоти бош преференциялар тизими ташкилот доирасида берилади. Ташкилотга аъзо ривожланган давлатлар ривожланаётган давлатда давлатга преференция бериши учун иккала давлат ҳам унга аъзо бўлган бўлиши керак, айти шу мақсадда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлганидан сўнггина кенг миқёсда ривожланган давлатлар билан имтиёзли савдо алоқаларини олиб бориши мумкин. Ва бу, албатта, Ўзбекистоннинг иқтисодий ва саноат жиҳатдан ривожланишига катта туртки

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. “Халқ сўзи” 2015 йил 17 январ.

беради. Сабаби, Европа Иттифоқи бош преференциялар тизими доирасида Ўзбекистонга берилаётган имтиёзлар буни амалда исботламоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида МДХ давлатлари билан ҳамкорлик алоҳида ўрин тутди. Ташкилот таъсис дастури доирасида Ўзбекистон билан ҳар томонлама хусусан, савдо муносабатлари олиб борилмоқда. 2011 йил 18 октябрда Ўзбекистон билан МДХ давлатлари ўртасида “Эркин савдо зонаси тўғрисида”ги битим имзоланди. Унинг тузилишини қуйидагича таъриф бериш мумкин¹.

Бу битим сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий, маданиймас Собиқ Иттифоқи алоқалар ривожини учун имконият туғдирди. Жумладан, томонлар ўзаро савдода бир-бирларига энг қулай шароит яратадилар, бир-бирларига тегишли товарларни ўз ҳудудлари орқали эркин транзит қилишни таъминлайдилар.

Ўзбекистон ва МДХ давлатлари ўртасида анча йилдан бери бош преференцияларнинг умумий стандарт имтиёзлари шу йилгача Ўзбекистон ташқи савдосига кўп ижобий натижалар олиб келди. Бундан ташқари МДХ давлатларидан Россия Федерацияси, Белорусия, Молдавия билан бош преференциялар тизими доирасида Ўзбекистон билан кўп йиллардан бери ҳамкорлик олиб боради. Бу борада МДХ давлатлари бош преференциялар тизимининг стандарт режаси бўйича берилган имтиёзлар катта аҳамият касб этади.

Савдо соҳасида МДХ давлатлари ўртасида кўплаб битим ва келишувлар имзоланган. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон ташқи савдо сиёсатида ҳар томонлама кўпроқ имтиёзларга эга бўлишга ҳаракат қилмоқда. Авваламбор, Ўзбекистон Жаҳон Савдо Ташкилотига аъзо бўлишни анча йилдан бери режалаштирмоқда, сабаби ташкилотга аъзолик Ўзбекистонга у томонидан бериладиган кўплаб имтиёзлардан фойдаланишга имкониятлар яратади,

¹ Зиядуллаев Н. Экономика стран Содружества в условиях глобализации // Вопросы экономики. – 2002. – №3. С. 78.

шулардан бири эса биз кўриб чиққан савдо соҳасидаги бош преференциялар тизими ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон МДХ давлатларининг умумий стандарт преференциялар тизимидан фойдаланиш билан чекланиб қолмасдан, қўшимча имтиёздан фойдаланиш имкониятини қўлга киритса жуда катта келажакдаги ютуқларга замин ҳозирлаган бўлар эди. Бу мақсадда у Евроосиё иқтисодий иттифоқи белгилаб берган битимни имзолаши лозим. Ва ниҳоят Россия Федерациясига келадиган бўлсак, Россия Федерацияси бугунги кунда Ўзбекистон билан савдо алоқаларини жадал равишда олиб бораётган давлатлар қаторига киради. Россия Федерацияси бош преференциялар тизими бугунги кунда Ўзбекистон учун ҳам амал қилади ва келажакда бу имтиёзлар кенгайтирилса давлатимиз иқтисодий жиҳатдан кўп фойда олар эди деб ўйлаймиз.

ХУЛОСА

Ҳозирда МДХ доирасида халқаро савдо борасида кундан кунга янги савдо шартномалари ҳамда битимлари тузилмоқда ва уларнинг умумий қиймати йирик пул айланмасини ташкил этмоқда. Шунинг учун, МДХ доирасида халқаро савдо муносабатларининг ҳуқуқий тартибга солиниши долзарб аҳамият касб этади. Бундан ташқари, имтиёзли савдо олиб бориш тизими бугунги кунда жаҳон савдосида ривожланган давлатлар ва ривожланиб келаётган, шунингдек, иқтисодий жиҳатдан ортда қолган давлатлар ўртасида иқтисодий қийинчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадини қўйган асосларда халқаро савдони амалга ошириш механизми ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Биз узоқ ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз. Узоқ ва яқин атрофимизда вужудга келаётган бугунги мураккаб вазиятда айнан шундай йўлни, шундай сиёсатни биз учун энг тўғри ва энг маъқул деб биламиз”¹ бежизга айтилмаган.

МДХ ташкил топганига йигирма тўрт йилдан ортиқ бўлганига қарамасдан ҳанузгача аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ва савдо муносабатларида яқдиллик мавжуд эмас. Бунга асосий сабаб иқтисодий ва савдо муносабатларини кўп томонлама шартномаларга асосланиш ўрнига фақат икки томонлама шартнома асосида амалга оширилмоқда. Шунингдек, МДХ доирасида ташкил этилаётган ташкилотлар бир бирини такрорламаслиги керак, аммо ҳозирда бунинг аксини кўрмоқдамиз.

Ҳар бир мамлакат ўз иқтисодий тараққиёт йўлида ташқи иқтисодий сиёсат юритишда икки ёндашувдан бирини яъни импорт ўрнини босувчи ёки экспортга йуналтирилган сиёсат юритишни танлашга тўғри келади. Жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда экспортни ривожлантиришга

¹ Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2015 й. 32 б.

катта эътибор қаратилган. Мустақиллик даврларида олиб борилган ишлар ва қабул килинган меъёрий ҳужжатлар натижасида бу соҳада анча ютуқларни қўлга киритдик десак муболаға бўлмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги **хулоса ва таклифларни** келтириб ўтамыз:

Биринчидан, МДХ доирасида ҳалқаро савдо муносабатларини тартибга солувчи ягона тизим мавжуд эмас. Яъни ҳар бир давлатнинг ички қонунчилиги билан ёки иккитомонлама шартнома асосида тартибга солинади ва бунинг оқибатида жуда кўп коллизия ҳолатлар вужудга келади. Шунинг учун, МДХ Савдо Кодекси ишлаб чиқиш ва қабул қилишни таклиф қиламиз.

Иккинчидан, МДХ доирасида савдо шартномасида товар етказиб бериш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Халқаро хусусий ҳуқуқни қўллаш амалиётида тўпланган ижобий тажрибаларни ўрганиш натижасида "МДХга аъзо давлатлар ташкилотлари ўртасида товарлар етказиб беришга оид умумий шартлар ҳақида"ги келишувга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш масаласини муқокама қилиш заруратини кун тартибига қўймоқда. Жумладан:

Келишувнинг 1-бандини қуйидаги хатбоши билан тўлдириш лозим:

"Маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий рўзғорга ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади";

Келишувнинг 21-бандида маҳсулот етказиб берувчининг шартномани жиддий равишда бузиш ҳолатлари сифатида "товар етказиб бериш муддатларини бир неча бор бузиш", "тарафдорлардан бири тўловга қобилиятсиз ёки банкрот деб эълон қилинганда" ҳамда " маҳсулот етказиб берувчи томонидан сотиб олувчи билан келишмасдан товарлар ҳақини ошириш ҳолларида" каби қўшимчаларни киритиш зарурати мавжуд.

Учинчидан, ҳозирги иқтисодий кризис оқибатида кўп ривожланган ва ривожланаётган давлатларда молиявий тақсилчилик кузатилмоқда. Шунингдек, савдо муносабатларида ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Ушбу ҳолатни енгиллаштириш учун МДХ давлатлари ўртасида “Компенсацион келишув тўғрисида”ги Келишувни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни таклиф қиламиз.

Тўртинчидан, МДХ доирасида савдо муносабатларни тартибга солувчи ва назорат қилувчи орган ҳамда унинг механизми мавжуд эмас. Шунинг учун, алоҳида ҳамда бетараф савдо назорати ва кўп томонлама савдо битимларнинг ижросини таъминловчи орган ташкил этиш ҳамда ушбу органга давлатлар ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун санкциялар қўллаш ваколатларини беришни таклиф қиламиз.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикасида инвесторларининг кенг жалб этиш сиёсати олиб борилмоқда. Ушбу сиёсат давлатимизга ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун, ушбу соҳани янада ривожлантириш ва тартибга солиш ҳамда ягоналаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инвестиция Кодекси ишлаб чиқиш ва қабул қилишни таклиф этамиз.

Олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш лозим:

а) Фуқаролик Кодексининг 11-моддасида фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қуйидаги усулини баён этиш:

"Суд қарори асосида шартнома тузишга мажбур қилиш, башарти контрагентнинг қонун талабларига мувофиқ ёки ихтиёрий равишда ўз зиммасига мажбуриятни олганлиги сабабли, ушбу шартномани тузишга мажбур бўлган ҳолларда".

б) Битимларнинг электрон шакли деб номланувчи қуйидаги мазмундаги 110¹-модда билан тўлдириш:

"Битимларнинг электрон шакли, агар унда ҳужжатнинг аниқ субъектга таалуқлигини ишончли белгилаш имкони бўлган ҳолларда, мустақил шакл сифатида эътироф этилади".

в) Фуқаролик Кодексининг 236-моддасини ("Умумий қоидалар") қуйидаги таҳрирдаги иккинчи қисм билан тўлдириш:

"Мажбуриятларни лозим даражада бажариш эквивалент суммани топиши (олиш) орқали амалга оширилиши мумкин (реал бажариш). Кредиторнинг хоҳиш-истаги бўйича ёки мажбуриятларни бошқа усулда бажариш имконияти бўлмаган тақдирда, лозим даражада бажариш хусусий аломатларга эга бўлган ашё мажбурият предмети бўлган тақдирда, уни натура тарзида бажаришга мажбур қилиш орқали амалга оширилиши мумкин".

г) Фуқаролик қонунчилигида қўлланиладиган, жумладан Фуқаролик кодексининг 437-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган "товар" атамаси ягона тушунча ва мазмун-моҳиятга эга эмас. Бу борада маҳсулот етказиб беришнинг мақсадини ҳисобга олган ҳолда фуқаровий-ҳуқуқий муносабатда "товар"ни моддий объект, муайян қийматга эга бўлган ҳамда бозорда реализация қилиш учун ишлаб чиқарилган меҳнат маҳсули сифатида назарда тутиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Еттинчидан, ҳозирги кунда ривожланган давлатлар тажрибасида электрон тижорат ва интернет савдо кун сайин ривожланиб бормоқда ва уни тартибга солиш борасидаги қонунчилик ҳам ҳар томонлама қамраб олишини тақозо этмоқда. Шунинг учун МДХ ва Ўзбекистонда "Электрон тижорат ва интернет савдо тўғрисида"ги Қонун ва Келишувлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тавсия этамиз.

Саккизинчидан, ҳар бир давлатнинг иқтисодиётининг ривожланишини интеграциялашувсиз тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам МДХ иштирокчи давлатлари хусусан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ҳам янада ривожлантиришда ҳалқаро ташкилотларнинг ўрни каттадир. Юқоридаги фикрдан келиб чиқиб МДХ иштирокчи давлатлари ва Ўзбекистон Республикаси "1994 йил 15 апрелдаги Жаҳон Савдо Ташкилотини ташкил этиш тўғрисидаги Марокаш Битимини ратификация қилиш тўғрисида"ги қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилишни тавсия этамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. И.А.Каримов. Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон НМИУ. 2007 й.

2. И.А.Каримов Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т.: Ўзбекистон, 2009.

3. И.А.Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, 2010 йил 12 ноябрь.

4. И.А. Каримов. Ўзаро ишонч муносабатларни янада ривожлантириш йўлида. Осиё ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйча кенгашнинг IV саммитида қилган маърузаси. Халқ сўзи 2014 йил 21 май.

5. И.А. Каримов Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2015 й.

6. И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан. Халқ сўзи 2016 й. 17 январ.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2015 йил.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. – Т.: Адолат, 2015 йил.

3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Т.: “Адолат”, 2015 й.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон.

5. Ўзбекистон Республикасининг “Ақсиядорлик жамиятлари ва ақсиядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни // 06.05.2014 йилдаги ЎРҚ-370-сон.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2009 йил 9 сентябрдаги 216-сонли.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 7 апрелдаги “Янги ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи ихтисослаштирилган «Ўзагроэкспорт» ташқи савдо компаниясини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 15-сон.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 3202-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил 1-2-сон, 4-модда.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 мартдаги 137-сон “Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 8 апрелда 422-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Ўзбекистон Республикасида махсус товарлар экспорти ва импортини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низом.

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

1. “Чехия, Эстония, Кипр, Венгрия, Латвия, Литва, Мальта, Польша, Словения ва Словакия Республикаларининг Европа Иттифоқига қўшилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, Европа Ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисида”ги Битим Баённомасини (Брюссель, 2004

йил 30 апрель) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2005 йил 18 май.

2. “Марказий Осиё Ҳамкорлиги” Ташкилотининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятига интеграцияси тўғрисидаги Баённомани (Минск, 2006 йил 23 июнь) ратификация қилиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2007 йил 2 апрель ЎРҚ–81-сон.

3. Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январ) ратификация қилиш ҳақида 03.07.2006

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 апрелдаги ПҚ–1092-сон “2009 йилда маҳсулот экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида” Фармони 04.12.2008.

6. “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармони.

7. “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 07.21.2005.

8. “Импорт контрактларини ҳисобга қўйиш ва ташқи савдо операцияларининг божхона мониторингини амалга ошириш тартиби тўғрисида” Низом (ЎзР ВМ 30.09.2003 й. 416-сон Қарорига 1-илова).

IV. Асосий адабиётлар

1. Б.Ю.Ходиев ва бошқалар. “ЎзР Президенти И.Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма”. – Т.: Иқтисодиёт, 2009.

2. Шмитгофф К. Экспорт: торговое право и практика. Англия. Релиз. 2012 г.
3. Дастамов К.Х. Халқаро хусусий ҳуқуқда чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш масалалари. Монография. Тошкент, “Адолат”, 2013 й.
4. Джумонов Д.С., Мамадиёров О.У. Халқаро савдо ҳуқуқи (маърузалар матни) Т.: “Адолат”, 2013.
5. Раҳмонкулов Ҳ.Р., Эргашев В.Ё., ва бошқ. Халқаро хусусий ҳуқуқнинг долзарб муаммолари ва ривожланиш истикболлари: Монография. Тошкент, “Адолат”, 2104.
6. Назарова Г.Г. ва бошқалар. Ташқи иқтисодий фаолият. Дарслик. Т.: “Адолат”, 2007.
7. Гулямов С.С. Халқаро савдо ҳуқуқи. Дарслик. Т.: Шарқ. 2002.
8. Назарова Г.Г., Назарова Р.Р., Юсупов А.С., Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув: тажриба ва амалиёт. – Т. ТДИУ, 2005, 178 б.
9. Богуславский М.М. Международное частное право: учебник для вузов. 5-е изд. Институт государства и права РАН. М.: 2009.
10. Б.М. Смитиенко. Мировая экономика: учебник /под.ред.- М.: Высшее образование, Юрайт - Издат, 2009.- С. 581.
11. Ломакин. В.К. Мировая экономика: учебник. - М.: ЮНИСТИ-ДАНА, 2008. – С. 671.
12. Богомолов О.Т. Мировая экономика в век глобализации. Учебник. М.: ЗАО «Экономика», 2007. — С. 359.

V. Қўшимча адабиётлар

1. Ҳасанов Ш., Нурматов Н., Убайдуллаев О. Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги янги халқаро шартномалари. //Ҳамкор. Uz. 2008, № 16.
2. Сиражиддинов Н. Проблемы повышения эффективности внешней торговли Узбекистана. Т.: УМЭД, 2004.
3. Алимов Р.М. и др. Центральная Азия: геοэкономика, геοполитика, безопасность.. Т.: 2002.

4. Ишмухамедов А.Э. ва бошқалар. Жахон иқтисодиётига интеграция. Т.:ТДИУ. 2004.
5. Шишков Ю. Регионализация и глобализация мировой экономики: альтернатива или взаимодополнение? //МЭ и МО, 2008, № 8, с.7.
6. Рахимов М. Межгосударственные интеграционные процессы в Центральной Азии: состояние, проблемы и перспективы. //Общественное мнение. 2008, № 19
7. Рустамова Л. Дальнейшее укрепление регионального сотрудничества в сфере торговли и транспортных коммуникаций. //Бизнес вестник Востока. 2008, №10.
8. Ревякин Е. Инерция интеграции как одна из особенностей ее динамики. //“Мировая экономика и международные отношения”. 2006, №7.
9. Абдуллаева Л. Расширение Европейского союза и торгово-экономическое сотрудничество стран Центральной Азии. //Экономическое обозрение. Июнь, 2004.
10. Bhagwati J. Termites in the Trading Sistem: Trade Agreements are Undermining Multilateral Free Trade. Oxford, 2007.

VII. Интернет сайтлар

1. www.wto.org
2. www.cis.org
3. www.gov.uz
4. www.press-service.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ
Ўзбекистон республикасининг айрим қонуни ҳужжатларига
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан _____ қабул қилинган

Сенат томонидан _____ маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон республикасининг Фуқаролик Кодексига** (Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда 2003 й., 5-сон, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 37-сон, 408-модда; 2006 й., 14-сон, 110-модда; 39-сон, 385-модда; 2007 й., 1-2-сон, 3-модда; 3-сон, 21-модда; 14-сон, 132-модда; 15-сон, 154-модда; 31-32-сон, 315-модда; 50-51-сон, 506-модда; 2008 й., 52-сон, 513-модда; 2009 й., 39-сон, 423-модда; 2010 й., 37-сон, 315-модда, 38-сон, 328-модда; 2011 й., 51-сон, 542-модда; 2014 й., 20-сон, 222-модда, 50-сон, 588-модда; 2015 й., 33-сон, 439-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 11-модданинг биринчи қисми қуйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши

"Суд қарори асосида шартнома тузишга мажбур қилиш, башарти контрагентнинг қонун талабларига мувофиқ ёки ихтиёрий равишда ўз

зиммасига мажбуриятни олганлиги сабабли, ушбу шартномани тузишга мажбур бўлган ҳолларда";

2) қуйидаги мазмундаги 110¹–модда билан тўлдирилсин:

“110¹-модда. Битимларнинг электрон шакли

Битимларнинг электрон шакли, агар унда ҳужжатнинг аниқ субъектга таалуқлигини ишончли белгилаш имкони бўлган ҳолларда, мустақил шакл сифатида эҳтироф этилади";

3) **236-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисми** билан тўлдирилсин:

"Мажбуриятларни лозим даражада бажариш эквивалент суммани топшириш (олиш) орқали амалга оширилиши мумкин (реал бажариш). Кредиторнинг хоҳиш-истаги бўйича ёки мажбуриятларни бошқа усулда бажариш имконияти бўлмаган тақдирда, лозим даражада бажариш хусусий аломатларга эга бўлган ашё мажбурият предмети бўлган тақдирда, уни натура тарзида бажаришга мажбур қилиш орқали амалга оширилиши мумкин".

4) **437-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“437-модда. Маҳсулот етказиб бериш шартномаси

Маҳсулот етказиб бериш шартномаси асосида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган ёки таъсис ҳужжатларига мувофиқ даромад келтирадиган фаолиятнинг бошқа тури билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий мақсадларда, рўзғорда ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни қабул қилиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг шартлари, агар унда товарнинг номи, тури, ассортименти, миқдори, сифати ва унинг келиб чиқиш мамлакатини аниқлаш имконияти яратилган тақдирда, ўзаро келишилган ҳисобланади.

Маҳсулот етказиб бериш шартномасида етказиб бериладиган товарнинг баҳоси белгиланиши лозим. Шартномада етказиб бериладиган товарлар баҳоси ҳақида тарафлар ўртасида ўзаро келишилган шарт бўлмаган тақдирда, маҳсулот етказиб бериш шартномаси тузилмаган деб ҳисобланади.

Товарларни қабул қилиш жойи маҳсулот етказиб бериш шартномасида тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланади”.

1) "МДҲга аъзо давлатлар ташкилотлари ўртасида товарлар етказиб беришга оид умумий шартлар ҳақида"ги келишувнинг 1-бандини қуйидаги хатбоши билан тўлдириш лозим:

"Маҳсулот етказиб бериш шартномасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган маҳсулот етказиб берувчи-сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддатларда ўзи ишлаб чиқарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий рўзғорга ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ мақсадларда фойдаланиш учун топшириш мажбуриятини олади";

2) "МДҲга аъзо давлатлар ташкилотлари ўртасида товарлар етказиб беришга оид умумий шартлар ҳақида"ги келишувнинг 21-бандида маҳсулот етказиб берувчининг шартномани жиддий равишда бузиш ҳолатлари сифатида "товар етказиб бериш муддатларини бир неча бор бузиш", "тарафдорлардан бири тўловга қобилиятсиз ёки банкрот деб эҳлон қилинганда" ҳамда "маҳсулот етказиб берувчи томонидан сотиб олувчи билан келишмасдан товарлар ҳақини ошириш ҳолларида" каби қўшимчаларни киритиш зарурати мавжуд.